

# КАСБ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№58-59 (811-812) 2024 йил 10 август

uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚУРУВЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли дўстлар!

Аввало, ўз ҳаётини дунёдаги энг шарафли касблардан бири бўлган қурилиш соҳасига бағишлаган сиз, азизларни қутлуғ касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳеч шубҳасиз, бугун биз кўп миллатли халқимиз билан биргаликда барпо этаётган Янги Ўзбекистонда юз бераётган энг муҳим ўзгаришлар ҳақида сўз юритганда, барча минтақа ва ҳудудларимизни қамраб олган кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида алоҳида фикр юритишимиз табиийдир.

Чиндан ҳам, сўнгги йилларда юртимиз улкан қурилиш ва бунёдкорлик мамлакатига айланди. Халқимизнинг кўз ўнгида қад ростлаётган замонавий турар жойлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, муҳандислик-коммуникация, йўл ва транспорт тармоқлари, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт муассасалари, боғ ва хиёбонлар, обод шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида сизларнинг бекиёс куч-ғайратингиз, юксак салоҳият ва маҳоратингиз мужассам эканини эътироф этган ҳолда, барчангизни янги ҳаёт бунёдкорлари дея эъзозлаб, фидокорона меҳнатингиз учун чин дилдан ташаккур билдирамиз.

Қадрли бунёдкорлар!

Маълумки, ҳозирги кунда қурилиш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч тармоқларидан бирига айланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида қурилиш ишлари ҳажми 2023 йилга нисбатан 10 фоиздан зиёд ортиб, салкам 80 триллион сўмга етгани, соҳанинг ялпи ички маҳсулотимиздаги улуши 6 фоиздан кўпроқни ташкил этаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Энг асосийси, барча соҳалар қатори қурилиш тармоғидаги улкан ишларимиз ҳам инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлашга қаратилмоқда. Ўтган йили биргина инвестиция дастури доирасида 2 минг 526 та ижтимоий ва инфратузилма объектларида қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилгани, "Ташаббусли бюджет" тизими асосида маҳаллаларимиздаги 4 мингдан ортиқ объектда 4,5 триллион сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, кейинги йилларда халқимиз учун замонавий уй-жойлар барпо этиш бўйича мисли кўрилмаган натижалар қўлга киритилаётганини таъкидлаш лозим. Охирги етти ярим йилда жами 412 мингта квартирадан иборат ёки 26 миллион квадрат метрлик қарийб 10 мингта уй-жойлар барпо этилгани мисолида бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бу ишларимизнинг давоми сифатида жорий йилда 52 та ҳудудда "Янги Ўзбекистон" массивлари бунёд этилмоқда. "Янги Тошкент" ва Олимпия шаҳарчаси каби мега объектларимизда ҳам бунёдкорлик ишлари юқори суръатлар билан олиб борилмоқда. Соҳада "яшил" стандартлар, энергияни тежайдиган янги технологиялар, "ақлли шаҳар", "ақлли уй" тамойиллари фаол қўлланмоқда.

Қурилиш соҳасида биринчи марта юқори малакали кадрлар, мустаҳкам материаллар, машина ва механизмлар базаси ҳамда мезонларни ўзида ифода этадиган ресурслар миллий классификатори шаклланди, мутахассисларни сертификатлаш тизими жорий қилиниб, Компетенцияни ривожлантириш институти ташкил этилди.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Қурилиш соҳасини бугунги шиддатли замон талабларига мос ҳолда ривожлантириш, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва уларнинг ижроси бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш бугунги кунда ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Шунингдек, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, қурилиш материаллари бозорини тартибга солиш, рақамлаштириш ишларини чуқурлаштириш, бино ва иншоотларда қулай ва экологик хавфсиз яшаш шароитларини яратиш, энергия самарадорлигини ошириш, қурилиш ишлари жараёнида хавфсизлик ва таъсирчан назоратни таъминлаш бўйича олдимизда юксак вазифалар турганини сиз – соҳада катта билим ва тажрибага эга бўлган ишчи ва қурувчи, меъмор ва муҳандислар, олим ва мутахассислар яхши биласиз.

Ишончим комил, сизлар ана шундай мураккаб ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли адо этишда янада жонбозлик кўрсатиб, қурилиш соҳаси равнақини янги босқичга олиб чиқасизлар.

Албатта, соҳа вакилларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, иш ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларига биз бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратамиз.

Сиз, азизларни касб байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, туганмас куч-ғайрат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака тилайман.

Жонажон Ватанимизни ҳар томонлама гўзал ва обод этишда сизларга янги зафар ва омадлар ёр бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

**АНОНС**

## Азиз газетхонлар!

**Анъанага кўра, "O'zbekiston bunyodkori" ижтимоий-иқтисодий газетасининг Қурилиш соҳаси ходимлари кунига бағишланган махсус байрам сони нашрдан чиқди. Унинг саҳифалари орқали республикамизда фаолият юритаётган соҳа ходимлари фаолияти, фаол қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари тажрибаси ҳамда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари акс этган мақолалар билан танишасиз.**




Ўйлаймизки, газетамизнинг махсус байрам сонидан ўрин олган мақолалар сизларга манзур бўлиб, байрамона кайфиятингизга янада кўтаринкилик бағишлайди.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ БУНЁДКОРЛИК!

**Тоир АЛИМАТОВ,** Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари.



**Мамлакат тараққиётини белгиловчи омиллар кўп. Шулар орасида қурилиш соҳасининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Зеро, тинч-осойишта, жадал ривожланаётган ва мақсаду марраларни юқори олган, келажакни ўйлаган давлатдагина бунёдкорлик ишларига катта эътибор қаратилади. Шукрки, Ўзбекистон шундай мамлакат. Бундай эзгу мақсадли ишларнинг бошида давлатимиз раҳбарининг тургани эса соҳа вакилларига янада катта шижоат бағишлаяпти, десак муболаға бўлмайди.**











Бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида нафақат катта-катта иморатлар, балки шаҳар ичида шаҳарчалар, улкан массивлар ҳам барпо этиляпти. Қурилиш соҳасидаги бу жараён нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартирди, балки одамлар ҳаётига ўзгача мазмун-моҳият бағишламоқда. Айниқса, аҳолини арзон ва қулай турар жойлар билан таъминлаш бўйича мақсадли дастурлар доирасида намунали кўп қаватли уйлар, маданият ва санъат марказлари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий объектлар қуриляптики, булар ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашга ҳам хизмат қиляпти.

Президентимиз Фармони асосида 2017 йилдан буён август ойининг иккинчи якшанбаси "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни" сифатида нишонлаб келинаётгани эса нафақат ушбу соҳа ходимлари меҳнатини қадрлаш, балки мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар бардавом эканлигидан далолатдир.

Қайд этганимиздек, кейинги йилларда республикамизда минглаб уй-жойлар, ижтимоий объектлар, таълим муассасалари, шифохоналар, йирик заводлар, йўллар ва кўприклар қад ростлади. Соҳа учун зарур хомашёни ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштириляпти. Натижада қурилиш жараёни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминланяпти. Ваҳоланки, илгари бундай имкониятларимиз йўқ эди.

Бундан етти-саккиз йил аввал мамлакат бўйлаб замонавий "сити"лар қурилади, деса ҳеч ким ишонмасди. Бугун нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам замонавий шаҳарчалар бунёд этилиб, бу жараёнлар яна давом этяпти. Демак, Ўзбекистонда йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга, осмонўпар биноларни тез ва сифатли барпо қилишга қодир қурилиш индустрияси шаклланди, соҳа ходимларининг тажрибаси, малакаси юксалди. Яъни, Янги Ўзбекистоннинг қурилиш тизими янги даврга мос тарзда ривожланиб бормоқда.

Статистика кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида қурилиш ишлари ҳажми 2023 йилга нисбатан 10 фоиздан ортиб, салкам 80 триллион сўмга етгани, соҳанинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 6 фоиздан кўпроқни ташкил этаётгани юртимизда бунёдкорлик ишлари кўлами йил сайин кенгайиб, архитектура ва қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқларидан бирига айланганини кўрсатади. Ўтган йили биргина инвестиция дастури доирасида 2 минг 526 та ижтимоий ва инфратузилма объектида қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилгани, "Ташаббусли бюджет" тизими асосида маҳаллалардаги 4 мингдан зиёд объектда 4,5 триллион сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилгани ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, кейинги йилларда халқимиз учун замонавий уй-жойлар барпо этиш бўйича мисли кўрилмаган натижалар қўлга киритилаётганини таъкидлаш лозим. 2017 йилдан бугунга қадар жами 394 минг 898 та квартирадан иборат ёки 26 миллион 50 минг квадрат метрлик 7 минг 888 та уй-жой барпо этилгани мисолида бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу ишларнинг давоми сифатида жорий йилда 2,5 минг гектар ҳудудда 53 та "Янги Ўзбекистон" массиви бунёд этилмоқда. Ўтган олти ой давомида ушбу массивларда 4,2 минг хонадонли 104 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили 300 мингга яқин никоҳ қайд этилади. Келгуси беш йилда аҳоли сони 40 миллионга етиши кутилмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда, уйлар қурилиши кўламини кенгайтириб борилиши диққатга сазовор. Ҳар бир ҳудудда барпо этиладиган "Янги Ўзбекистон" массивлари ҳам бунда муҳим ўрин тутади, албатта. Келгуси беш йилда айнан шундай массивларда 250 мингдан зиёд оила уй билан таъминланади. Бундан кўринадики, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қурилиш-бунёдкорлик соҳасига катта эътибор қаратилаётгани, хусусан, "Янги Ўзбекистон" массивларини бунёд этиш жараёни жиддий назорат қилиниб, одамларга ҳар томонлама маъқул тарзда қуриш талаби қўйилаётгани мамлакатимизда инсон манфаати нақадар улуғ эканидан далолатдир. Зотан, уй – Ватан ичидаги кичик ватан. Одамлар Ватанида эркин ва бахтли ҳаёт кечиришга ҳақлидирлар.

▶ 2-бет

◀ 1-бет

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ БУНЁДКОРЛИК!

### ЯНГИ ТОШКЕНТ – АҚЛЛИ ВА ЭКОЛОГИК ШАҲАР

Соҳада “яшил” стандартлар, энергияни тежайдиган янги технологиялар, “ақлли шаҳар”, “ақлли уй” тамойилларининг фаол қўлланилиши хусусида сўз борар экан, мега лойиҳа – Янги Тошкент шаҳрининг барпо этилишига алоҳида тўхталиш ўринлидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган пойтахтнинг меъморий қиёфасини сақлаган ҳолда, шаҳар ташқарисида замонавий яшил макон қуриш ташаббуси бугун реал воқеликка айланди. Янги Тошкент. Уни одамларнинг яшаш шароитлари, иқтисодий ривожланиши, кайфияти ва маданиятига катта таъсир кўрсатадиган, пухта ўйланган урбанизация сиёсатининг яққол намунаси, дейиш мумкин. Албатта, бундай тарихий ташаббусни шахсан Президентнинг ўзи бошлаб берди ва назорат қилди. Икки дарё орасида, денгиз сатҳидан 500 метр баландликда жойлашган, ноёб иқлим шароитига эга ҳудудда Марказий Осиёнинг янги тимсолини яратишга киришилди.

Янги Тошкентни чинакам экологик шаҳар, дейиш мумкин. “Тошкентнинг яшил белбоғи” лойиҳаси айнан шу ердан бошланади. 420 гектар майдонда “Марказий боғ” барпо этилиб, 200 минг туп дарахт экилади. Мақсад – пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари учун қулай ва соғлом экологик муҳит яратиш, яшил ҳудудлар ва ўрмонзорларни кенгайтиришдир. Лойиҳани амалга оширишда “яшил ва хавфсиз шаҳар” тамойили асосида, пиёдалар ва велосипедларнинг эркин ҳаракатланиши учун қулай шароит яратилади. Шу мақсадда, 100 минг автомобиль учун ер ости тураргоҳи қурилади. Автомобиль қатнови учун 14 та замонавий тунел ҳамда Чирчиқ ва Қорасув дарёлари устида 7 та кўприк бунёд этилади. Яна бир эътиборли жиҳати, Марказий Осиёда илк бор “уч-генерация” станциясининг қурилишидир. Яъни, бу станция орқали электр ишлаб чиқарилади, бинолар кузқишда иситилади, ёзда эса совутилади. Барча электр, алоқа тармоқлари, газ ва сув қувурлари ер тагидан ўтказилади.

Янги Тошкент “BREEAM” ва “LEED” мувофиқлик сертификатига эга экологик шаҳар бўлиши режалаштирилмоқда. Бунда янги бинолар зарарли углерод чиқиндисини атмосфера қатламига чиқармайди. Энергия истеъмолининг 30 фоиздан ортиғи муқобил манбалар, яъни, қуёш, гидроэнергетика ва чиқиндиларни қайта ишлаш ҳисобига тўғри келади.

Чиндан, бугун Ўзбекистон тарихида янги саҳифа яралмоқда. Бу юртдошларимиз кутган мега лойиҳа! Мутлақо хавфсиз, замонавий ҳамда барча қулайликларга эга ям-яшил шаҳар. Ва муболағасиз халқимиз масрур ҳаёт кечирадиган янги маскандир.

### ЖАДАЛ ЎСИШ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Қурилишнинг ҳозирги жадал суръатларда ўсиб бораётгани соҳада замон талаблари асосида чуқур ислоҳотларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Шу маънода, сўнгги йилларда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш бўйича жами 11 та қонун, 55 та Президент ҳужжати, 58 та ҳукумат қарори қабул қилингани диққатга сазовордир.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизмида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги барча 16 та давлат хизматлари рақамлаштирилиши натижасида аҳоли ва бизнес эгаларига уйдан чиқмаган ҳолда хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди. Шунингдек, хизмат кўрсатишда қоғозбозлик ва оворагарчиликка чек қўйилди. Давлат хизматлари соҳасига ахборот коммуникация технологиялари жорий қилиниши натижасида қурилишга рухсат олиш учун кетадиган умумий вақт 2021 йилдаги 39 кундан 25 кунга қисқарди. Шунингдек, давлат хизматини кўрсатиш учун масъул бўлган ҳудудий бошқарма ва бўлимлар устидан масофавий комплаенс назорати ўрнитилди. Бу орқали соҳада коррупциявий хавф-хатарлар қисқартирилди.

Жумладан, рейтинг платформасида 2022 йилда жами 20140 та қурилиш-пудрат ташкилоти мавжуд бўлган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 23576 тага етди. 2024 йилнинг январь-июнь ойларида пудрат ишлари ҳажми 79,8 трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 10,1 фоизга ўсди. Соҳа бўйича 5 турдаги фаолиятни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларига 380 та лицензия ва 16 та аккредитация гувоҳномаси берилди. Рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида ташкилотларнинг легал фаолият юритиши натижасида қурилиш соҳасида хуфиёна иқтисодиёт улуши қисқариб бормоқда. Шунингдек, электрон рейтингда мавжуд корхоналар томонидан 2023 йилда 2021 йилга нисбатан махсус техникалари сони 2 баробарга, банд бўлган аҳоли сони эса 58 фоизга ортган.

Тендер электрон платформаси – қурилиш соҳасида давлат харидлари ўтказилишини таъминловчи махсус электрон тизим саналади. Платформа вазирлик ва идораларнинг тизимларига интеграциялашган ҳолда иштирокчилар ҳақидаги маълумотларни инсон омилисиз автоматик тарзда олиб, таклифларни баҳолайди. Инсон омили бартараф этилгани ҳисобига ҳамда очиқ ва шаффоф талаблар белгиланиши натижасида қурилиш-пудрат ташкилотлари ўртасида рақобат муҳити тобора соғломлашиб бормоқда. Хусусан, электрон тендер платформасида жами 62355 та тендер ўтказилган бўлиб, уларда 13541 та ташкилот иштирок этган. Ўтказилган тендерларнинг жами қиймати 39,5 трлн сўмни ташкил этиб, уларда 37,5 трлн сўмлик шартномалар тузилган. Электрон тендер платформасида тежаб қолинган маблағлар 2 трлн сўмга етган.

Ўтган давр мобайнида қурилишни лойиҳалаштириш ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси жараёнлари қайта кўриб чиқилиб, у шаффоф электрон тизимга ўтказилди. Мазкур ишлар вазирлик ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш Республика маркази” ДМ томонидан амалга оширилмоқда. Экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётидан тўлиқ воз кечилди. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги “Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш” электрон платформаси тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда тубдан янгиланди. Шу билан бирга, манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш, юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида экспертиза кўригига тақдим этилаётган айрим тоифадаги лойиҳаларни кўриб чиқиш учун муайян бир ҳудудга йўналтириш функцияси бекор қилинди. Эндиликда лойиҳаларни кўриб чиқувчи ҳудудни автоматлаштирилган дастурий таъминот мустақил равишда, ҳудуднинг иш юкламасини инобатга олган ҳолда тасодифий танлайди.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида ишга туширилган expertiza.mc.uz платформаси бошқа манфаатдор идора ва ташкилотларнинг электрон платформалари билан интеграция қилинди. Объектларнинг лойиҳа ҳужжатларида сейсмик хавфсизлик, зилзилабардошлик ва конструкциялар мустаҳкамлиги кўрсаткичларининг таъминланганлик ҳолати юзасидан экспертиза тизими кучайтирилди. Барча дастурлар доирасида 2024 йилнинг биринчи олти ойида электрон платформа орқали келиб тушган 6,3 мингдан зиёд объектнинг лойиҳасига йиғма эксперт хулосалари тақдим этилди. Экспертиза жараёнида лойиҳа ечимларини яхшилаш ва уларни норматив талабларга мослаштириш, лойиҳалардан асоссиз кўзда тутилган харажатларни чиқариб ташлаш ҳисобига тежалган маблағ 4,4 трлн сўмни ташкил этди.

Қурилишда назорат ҳам муҳим. Шу боис, соҳада назорат тизимини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қурилиш ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тугалланган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича янги регламентнинг қабул қилиниши, камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаган тақдирда ҳудудий инспекцияларга пудрат ташкилотини тўғридан-тўғри жаримага тортиш ваколати берилгани, объектларда “Қурилиш назорати” ахборот тизимининг жорий қилингани шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир. Бугунги кунга қадар ушбу тизим орқали 28 мингдан зиёд объект назоратга олинди. Бундан ташқари, 112 мингдан ортиқ мониторинг тадбирлари ўтказилди. Қурилиш нормаларини бузган мутасадди ташкилотларга 63 мингда зиёд ёзма кўрсатма ва 5 018 та таъсирчан чоралар кўрилди.

Шунингдек, шаҳарларнинг рақамли эгизакларини яратиш йўналишида “Тошкентбошплан ЛИТИ” институти томонидан дунёдаги энг салоҳиятли АҚШнинг ESRI компаниясидан ArcGIS геоахборот тизимининг расмий лицензиялари харид қилинди. Мазкур тизимдан фойдаланиш учун мутахассислар замонавий компьютер станциялари билан таъминланди. Тошкент шаҳрининг рақамли эгизаги ва бош режасини ишлаб чиқишга жалб этилган мутахассислар геоахборот тизимидан фойдаланишга ўқитилди.

Шу қатори, ушбу йўналишдаги топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида “Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика маркази” ташкил этилиб, унга “Давлат шаҳарсозлик геоахборот тизими” идоралараро геоахборот дастурий комплексини юритиш ва оператор функциясини бажариш, шунингдек, ушбу тизимга маълумотларни жойлаштириш, сақлаш, фазовий маълумотлар алмашинувини таъминлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини бошқариш ваколати берилган.

Давлат дастурлари доирасида ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари мунтазам равишда Давлат шаҳарсозлик геоахборот тизимига киритиб келинмоқда. Бугунги кунга қадар ушбу тизимга 407 та бош режа, 16 та батафсил режалаштириш лойиҳаси ва 595 та ҳудудларни архитектуравий режалаштиришни ташкиллаштириш лойиҳалари (АРТЛ) киритилган бўлиб, маълумотлар узлуксиз ва ўз вақтида янгилаб борилмоқда.

### НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР ВА СТАНДАРТЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Вазирлик ҳузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти томонидан қурилиш соҳасида норматив ҳужжатлар ва стандартларни такомиллаштириш бўйича ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда.

Бу йўлдаги муҳим қадам – “Ўзбекистон Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини модернизация қилиш” ҳамкорлик лойиҳасини амалга оширишда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Корея Республикасининг Ер, инфратузилма ва транспорт вазирлиги (MOLIT) ўртасида 2018 йил 19 октябрда ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мазкур ҳамкорлик лойиҳаси доирасида икки томон келишувига кўра, 2022-2025 йиллар мобайнида жами 256 та, шундан, 2022 йилда 20 та, 2023 йилда 82 та, 2024 йилда 102 та, 2025 йилда эса 52 та шаҳарсозлик норма ва қоидаларини Корея тажрибаси асосида модернизация қилиш белгиланган.

Қурилиш соҳасида нарх шаклланиш тизимини шаффофлаштириш ҳамда ҳажм услубида смета ҳисоб-қитобларининг жорий этилиши учун “Қурилиш ресурслари миллий классификатори” электрон тизими яратилди. Тизим нархларни реал вақт режимида янгилаб борилишини таъминлаш мақсадида Товар хомашё биржаси ва Солиқ қўмитасининг электрон ахборот тизимлари билан интергаяция қилинган. Бугунги кунда классификаторга 177 590 та ресурс киритилган ва мазкур жараён изчил давом этмоқда. Шунингдек, кенг жамоатчиликка қурилиш соҳасидаги техник тартиботлар билан қулай равишда танишиш имконини берувчи “Шаҳарсозлик нормалари” мобил иловаси ишлаб чиқилиб, 120 та шаҳарсозлик нормасидан эркин фойдаланиш имконияти яратилди. Шу билан бирга, институт расмий веб-сайтида 65 144 та стандартдан иборат реестр шакллантирилди.

### МУТАХАССИСЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ – БИРЛАМЧИ МАСАЛА

Шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш, уларнинг билимини даврий равишда баҳолаб бориш мақсадида вазирлик қошида Компетенцияни ривожлантириш институти ташкил этилди. Институт томонидан қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги 10 та йўналиш бўйича 42 мингдан ортиқ мутахассисни режа асосида ўқитиш бўйича ривожланган давлатлар мутахассислари иштирокида махсус ўқув дастури ишлаб чиқилди. Ўқув дастурлари соҳа йўналишлари кесимида хорижий ҳамкорлар, хусусан, туркиялик экспертлар билан биргаликда “Муҳандислик ва технология бўйича аккредитация кенгаши” – ABET (АҚШ) томонидан тан олинган халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилди ҳамда Истанбул техника университети томонидан аккредитация қилинди. Бугунги кунга қадар институт томонидан жами 2381 нафар мутахассис қайта ўқитилди, малака ошириш курсини тамомлаганлардан 524 нафарига сертификат берилди.

* * *

Демак, шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида кўп сўзлаш мумкин. Мақола аввалида қайд этганимиздек, одамларга обод ва фаровон ҳаёт тарзини яратиш мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг устувор мақсади ҳисобланади. Жойларда қад ростлаётган ижтимоий объектлар, турар жойлар, янги-янги массивлар бунинг яққол мисолидир. Янгиланиш, ўзгариш қайси соҳада бўлмасин, инсонга хизмат қилиши шарт. Қурилиш саноати ва соҳасидаги бугунги ишлар ана шу мақсадларга йўналтирилгани билан соҳа ходимлари зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Фурсатдан фойдаланиб, қурилиш соҳасининг қадрли вакилларини касб байрами билан табриклаймиз. Юртимиз равнақи, халқимиз фарвонлиги ва ҳудудлар ободлиги йўлида олиб бораётган шарафли вазифани бажаришда сизларга куч-қувват, улкан ғайрат ва шижоат тилаймиз.

# Барча ниятлар ижобат бўладиган давр

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида янги уй-жойлар барпо этилмоқда. Шу билан бирга одамларнинг харид имкониятини кенгайтириш учун ипотека тизимининг бозор тамойилларига асосланган тартиби жорий қилингани минглаб оилаларнинг қувончини оширди. Янги бошпанали бўлишларига имкон яратди. Даромади юқори бўлмаган оилаларга бошланғич бадал ва фоиз тўлови учун субсидиялар берилди. Бу имконият янги тараққиёт даври ислоҳотларининг самараси аслида.**



Навоий вилоятида “Янги Ўзбекистон” массивини қуриш учун Кармана туманининг “Дўстлик” МФЙ ҳудудида 21 гектар ҳамда Қизилтепа туманининг “Маликобод” МФЙ ҳудудида 20 гектар ер майдони танлаб олинган эди. Бугун бу манзилга йўли тушган кишининг кўзи салобатли, замонавий бинолар билан тўқнашади.

Аҳолига муносиб яшаш шароитлари яратиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида экани мана шундай лойиҳаларда ўз аксини топмоқда.

Кармана туманининг “Дўстлик” МФЙ ҳудудидаги массивда 2022-2026 йиллар давомида 1 080 та хонадонли жами 54 та 5 қаватли турар жой биноси қурилиши режалаштирилган эди. Бугун эса битган биноларга аҳоли кўчиб келиб, истиқомат қилишмоқда. Шунингдек, ушбу массивда 156 ўринли мактаб 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 100 қатновли оилавий поликлиника биноси барпо этилгани янада қулай бўлди.

– Дўстлик маҳалласи ҳудудида “Янги Ўзбекистон” массивини қуриш учун 21 гектар ер ажратилган бўлиб, бугунги кунда 18 та кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилган, – деди туман бош архитектори Анвар Тошназаров. – 1 та мактабгача таълим ташкилоти, 1 та умумтаълим мактаби ва оилавий поликлиника ҳам ўз фаолиятини бошлаб, аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ва бошқа мутасаддилар томонидан мунтазам равишда қурилиш меъёр-талабларига жавоб бериш даражаси назорат қилиб борилиб, хонадонлар фойдаланиш учун қабул қилиб олинди. Президентимизнинг ташаббуси билан қурилган ушбу “Янги Ўзбекистон” массивларининг ўзига хос лойиҳаларидан яна бир муҳим жиҳати – ипотека асосида арзон ва қулай нархларда, шаҳар қиёфасидан асло қолишмайдиган массив сифатида барпо этилаётганидир.

Бугунги кунда ушбу кўп қаватли уйлар иссиқлик манбаи, сув, электр, газ тармоқлари билан тўлиқ таъминланган. Ижтимоий объектларнинг аҳолига қулай ва яқин тарзда қурилгани ҳам эътиборга молик. Президентимизнинг 70-сонли қарорига асосан жорий йилда яна 8 та 200 хонадонли уй-жой қурилиши режалаштирилган. Қурилиши режалаштирилган кўп қаватли уйлар электрон аукцион орқали тизимга киритилган.

Аҳоли анча зич яшайдиган ҳудудлар учун бундай массивлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Уй-жойларнинг сифати ва таннархи халқимиз имкониятига мос бўлиши кераклигига эътибор қаратилаётгани эса қулай шароит бўлмоқда.

Дилфуза Шарипова соғлигидаги муаммо, ёлғиз оналик ташвиши, ижарама ижара сарсон юришлардан руҳан толиққан эди. Ўз уйим бўлиб ҳаловат топармиканман, деган истак у каби уйга эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган кўплаб оилаларнинг кўнглидаги гап эди.

– Бу ерга кўчиб келганимга бир йилдан ошди. – деди Дилфуза Шарипова. – Ижарама ижара юриб сарсон эдик. Ҳар бир инсоннинг ўз олдига қўйган ниятлари бўлади. Менда ҳам уйли бўлсам, тўйлар қилиб, ўғлимни уйлантирсам деган яхши ниятларим бор эди. Шукрки, бугунги кунда ана шу ниятимга етдим. Давлатимиз раҳбарига биз каби қийналган ва уй-жойга муҳтож аёлларга эътибор қаратаётганлари учун раҳмат. Бунга жавобан биз ҳам давлатимиз ривожига ҳиссамизни қўшиш мақсадида келиним билан тикувчилик қилиб, боғча ва касалхоналарга чойшабларни тикиб беряпмиз.

Ижарада яшаш азобини бошидан ўтказган киши яхши билади. Президентимиз ташаббуси билан қулоч ёзган эзгу ҳаракат минглаб юртдошларимизга ўз уйим борку деган тасаллини улашди. Бу уйлар хира тортган турмушларига нур улашди.

“Янги Ўзбекистон” массивлари комплекс ривожланиш тамойили асосида барпо этилмоқда. Ҳар бир массивда саноат тармоқлари, хизмат кўрсатиш объектлари ва ижтимоий инфратузилма объектларининг қурилиши натижасида бу ерда одамлар ҳам уйли ҳам ишли бўлиши назарда тутилган. Қизилтепа, туманининг “Маликобод” МФЙ ҳудудида 2022-2026 йилларда 1 060 хонадонли жами 53 та



5 қаватли турар жой қурилиши режалаштирилган эди. Ҳозирги кунда битказилган илк уйлар аҳоли ошиёнига айланиб улгурди.

– “Янги Ўзбекистон” массивларининг ўзига яраша қулайликлари бор. Хусусан, “Маликобод” МФЙ ҳудудида қад ростлаган массивда болалар ўйингоҳлари, 50 қатновли қишлоқ оилавий поликлиникаси қуриб фойдаланишга топширилди, – деди туман ҳокими ўринбосари Ҳасан Алиев. – Ундан ташқари, 120 ўринли мактабгача таълим муассасаси ҳам болажонлар ихтиёрига топширилди. Бугунги кунда массивда 7 та 9 қаватли уй-жойлар қурилиши бошланиш арафасида. Массивда барча коммунал хизматлари кўрсатилиб, тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси каби барча коммуникациялар билан таъминланган. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари, истироҳат боғи ташкил қилинмоқда. Келажакда бу массивда 990 ўринли мактаб ҳам қурилиши кўзда тутилган. Бу массив яқинида шунингдек, қўлқоп ишлаб чиқариш корхонаси, кичик саноат зоналари бор. Бу эса массивда истиқомат қилаётган аҳолини иш таъминлашга имконият яратади.

Ватан ичра кичик Ватанли бўлиш аҳолига хотиржамлик улашганини бахту саодат сари йўл очганини илғаш қийин эмас. Бугун қад ростлаётган уйларга кўчиб ўтган юртдошларимиз ўз ҳаётидан мамнун, тақдиридан рози. Айниқса, ногиронлиги бор ҳамда уй-жойга муҳтож аёлларга, ўз соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатаётган ёш оилаларга ҳам ана шундай уйлардан жой ажратилаётгани, имтиёз яратилаётгани бугунги ислоҳотларнинг самараси десак муболаға бўлмайди. Уйли бўлган юртдошларимиз, бу имтиёзлар ҳаётимизда туб бурилиш ясади дея эътироф этишмоқда.

– Қуш учса, қаноти куядиган бу жойларга 1974 йиллари кўчиб келганмиз, – деди меҳнат фахрийси Файзулло Нурмонов. – Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ана шундай қақраб ётган жойлар обод бўлмоқда. Қурилаётган мактаб, боғча, боғ буларнинг барчаси бизнинг фаровон турмушимиз учун. Бундай ҳаётни кўтариб юрсанг арзийди. Биз нуронийлар маслаҳатлашиб, ниҳоллар экиб яшил боғлар яратмоқчимиз. Биздан кейинги авлод бу ерларни ота-боболаримиз обод қилиб кетишган, деб дуо қилишларини истаймиз.

Бугун ҳар бир инсон ҳаёти, орзу умидлари эътиборда. Давлатимиз томонидан ўз вақтида ўз ўрнида берилган кўмак ва эътибор туфайли янги хонадон соҳиблари янги ҳаёт бошлашди. Янги уй, янги орзуларни, эзгу ниятларни амалга ошишига имкон беради. Чунки, муқаддас саналадиган оиланинг ўз мустақил қўрғони бўлса, барча ниятлар албатта ижобат бўлади.

# Касбидан фахр туйган Женгисбай оға

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Оролбўйи минтақасидаги шаҳар ва туманлар, овул ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида кўп қаватли турар жойлар, маъмурий ҳамда ижтимоий объектлар қурилмоқда. Эл-юрт манфаатига хизмат қилувчи бундай ободликлар учун одамлар қурувчилардан миннатдор бўлишмоқда. Қурувчи деган шарафли касбни ардоқлаб, минтақада янги лойиҳалар асосида шундай гўзал масканларни барпо этишга бош-қош бўлаётган бунёдкорлардан бири – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" давлат муассасаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси раҳбари Женгисбай Ембергеновдир.**



Айтиш жоизки, Женгисбай оға шу лавозимга тайинлангунга қадар 40 йилдан ортиқ соҳанинг барча босқичларида меҳнат қилиб, катта тажриба тўплаб, кўплаб шогирдларни тайёрлаган. Унинг иштирокида Қорақалпоғистон Республикасида 2017 йилдан ҳозирги кунга қадар юзлаб объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилган. Жумладан, шаҳар ва туманларда кейинги беш йил оралиғида жами 3 075 қатновли поликлиника, 605 ўринли шифохона, 27,7 минг ўринли умумтаълим мактаби, 170 та кўп қаватли турар жой ҳамда ичимлик суви муаммосини ҳал қилишга йўналтирилган лойиҳа асосида 1458,5 километр сув тармоқларини қуриш ва ишга тушириш каби ишлар амалга оширилган.

Булардан ташқари, давлат аҳамиятидаги йирик объектларни қуриш ва ишга туширилишида ҳам Женгисбай Ембергенов раҳбарлигида муҳим ишлар бажарилган. Масалан, 2016 йилда Нукус шаҳридаги И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи биносини қуриш ва реконструкция қилиш, 2 800 ўринга мўлжалланган марказий Амфитеатр, 2018 йилда эса Қорақалпоқ ўлкашунослик санъат музейи иморати қурилиши ҳамда Нукус шаҳридаги 250 ўринли "Аёллар мурувват уйи", 198 нафар ўқувчига мўлжалланган Президент мактаби, Чимбой туманида қад ростлаган шоир Бердақ мақбараси комплекси, Нукус шаҳридаги Ислом Каримов кўчасида баландлиги 54 метрли давлатимиз рамзи бўлган 2 та байроқ устунини ўрнатиш, 2020 йили Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 450 ўринга мўлжалланган катта мажлислар зали, Нукус шаҳрида 385 ўринга мўлжалланган Бадиий санъат саройи (эски Бердақ кинотеатри), Нукус шаҳридаги Шимолий-Ғарбий ҳарбий округ ҳудудида жойлашган ихтисослаштирилган 1 000 ўринга мослашган карантин зонаси ва 180 ўринли махсус шифохона бинолари барпо этилди.

Халқимизда "Чин дўст бошга ташвиш тушганда билинади" деган гап бор. Кутилмаган табиий офат туфайли Сирдарё вилоятидаги "Сардоба" сув омбори тошқинидан сўнг у ерда амалга оширилган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари Янги Ўзбекистон тарихи саҳифасига муҳрланиши баробарида, шундай фавқулодда ҳолатларда фуқароларимиз янада бир бағир бўлиб ҳаракат қилиши ўсиб келаётган ёшлар учун ибрат мактаби бўлиб қолиши шубҳасиз. Ана шу ҳамжиҳатликдаги ишлардан Оролбўйи минтақасидаги бунёдкорлар ҳам четда қолгани йўқ. Хусусан, Женгесбай оға бошчилигида бу ерда 90 та хонадон учун уй-жойлар тез кунлар ичида қурилиб, сув тошқинидан жабр кўрганларга топширилди.

Мана шу жонкуярлик ва шижоат айниқса, 2012-2020 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазири вазифаларида фаолият кўрсатган кезлари асқатди.

Юрт ободлиги ва фуқароларнинг яшаш тарзини яхшилашга қаратилган дастурлар шарофати билан бугунги кунда ҳудудда Қорақалпоғистон посёлкаси, Мўйноқ, Қонликўл, Бўзатов ва Тахтакўпир, Амударё, Беруний ва Элликқалъа туманларининг маъмурий марказлари замонавий архитектура кўринишига мос даражада қурилди. Барча шароитлар яратилган кўп қаватли уйларда эса минглаб кишилар ҳаёт кечирмоқда. Юзлаб ижтимоий объектлар – болалар боғчалари, мактаб, маданият уйи, амфитеатр, спорт майдонлари, бассейн ва кўчалар кечаю кундуз инсонларга хизмат кўрсатяпти.

Бир сўз билан айтганда, Женгесбай Ембергенов мамлакатимиз қурилиш соҳасида фидокорона меҳнат қилиб келаётган тажрибали қурувчилардан. Фаолиятидаги ютуқлари учун бир неча бор давлат даражасида эътироф этилган ва тақдирланган. Жумладан, "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи", "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги" ва "Ўзбекистон Конституциясининг 25 йиллиги" эсдалик нишонлари, 2020 йилда коронавирус пандемияси даврида Нукус шаҳридаги Шимолий-Ғарбий ҳарбий округ ҳудудида жойлашган ихтисослаштирилган 1000 ўринли карантин зонасини тез фурсатда қуриб топширишдаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан I-даражали "Намунали хизмати учун" кўкрак нишони, Сирдарё вилоятидаги "Сардоба" сув омбори тошқинидан зарар кўрган хонадонларни қайта қуриш ишларида фаоллиги учун "Меҳр-саховат" кўкрак нишони ва бошқа мукофотлар билан тақдирланган.

# Юртимиз ривожига ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз

**Саидаҳмад БАҲОДИРОВ,**
"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи.

**Бугунги кунда Сирдарё вилояти ҳудуд ва аҳоли сони жиҳатидан унча катта бўлмаса-да, улкан ўзгаришлар борасида бошқа вилоятлардан ортда қолаётгани йўқ. Бу тараққиёт замирида иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори қурилиш-бунёдкорлик соҳасининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Қолаверса, бу шиддатли жараёнда соҳада меҳнат қилаётган фидойи бунёдкорларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.**



Август ойининг иккинчи якшанбаси юртимизда Қурилиш соҳаси ходимлари куни сифатида нишонланиши анъанага айланган. Бу сана қайсидир маънода соҳа ходимлари учун сарҳисоб палла ҳам ҳисобланади. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва тизим ташкилотлари йил бошидан буён амалга оширган ишлари ва ютуқларига бир назар ташлайдилар.

Шу маънода, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Сирдарё вилояти бошқармаси томонидан 2024 йилнинг ҳозирги даврига қадар бир қатор ишлар амалга оширилганини қайд этиш лозим. Хусусан, Давлат дастурлари, Ҳукумат қарорлари ва бошқа дастурлар доирасида жами 566 та объектнинг лойиҳа ҳужжатлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилиб, давлат экспертизасидан ўтказилди.

Шу билан бирга, объектларнинг ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича жами қиймати 2 298,5 млрд сўм миқдорида экспертиза кўригига тақдим этилган бўлиб, экспертиза жараёнида қурилиш меъёрларига мувофиқ техник ва иқтисодий лойиҳавий ечимлари қўлланилган ҳолда объектларнинг смета қийматидан жами 256,0 млрд сўм маблағ тежалишига эришилди. Бундан ташқари, объектларнинг қурилиш ишлари учун экспертиза томонидан 2 041,9 млрд сўм маблағ тавсия этилди. Шу жумладан, жами 105 та ижтимоий соҳа объекти экспертизадан ўтказилди.

Сўнгги йилларда ҳудудларни янада ривожлантириш, олис қишлоқ ва маҳаллаларда яшовчи аҳолини қийнаб келаётган муаммоларга ечим топиш мақсадида жорий этиб келинаётган "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ижтимоий соҳа объектлари, йўллар, тиббиёт масканлари, маҳалла марказлари каби аҳоли учун зарур иншоотларни барпо этишга йўналтирилган маблағлардан унумли фойдаланиш мақсадида лойиҳа-смета ҳужжатларини кўрикдан ўтказишга ҳам катта эътибор қартиляпти.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳасини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари дастури доирасида бошқарма томонидан 159 та объект экспертиза қўригидан ўтказилган. Уларнинг 39 таси хусусий кўп қаватли уй-жойлар, 162 таси инфратузилма, 12 таси саноат объекти, 13 таси эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш объекти, 7 таси савдо ва умумий овқатланиш ҳамда 69 таси бошқа объектлар ҳисобланади.

Шунингдек, экспертларимиз томонидан жорий йил бошидан бугунги кунга қадар 566 та объектга экспертиза хулосаси тақдим этилган. Уларнинг 546 тасига ижобий ва 20 тасига салбий хулоса берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг фармон, қарор ва фармойишлари, баённомалари ижроларини таъминлаш бўйича бугунги кун ҳолатига кўра 81 та топшириқ келиб тушган. Бошқарма мутахассислари томонидан уларнинг ижроси босқичма-босқич таъминланмоқда. Шундан, 78 таси ўз муддатида бажарилган бўлса, қолган 3 та топшириқ ҳам белгиланган муддатида бажарилиши назоратга олинган.

Йил якунига қадар яна кўплаб белгиланган режаларни амалга ошириш ниятидамиз. Бу орқали юртимиз ривожи, халқимиз фаровонлигига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, соҳада фаолият юритаётган барча ҳамкасбларимизни касб байрами билан табриклаб, келгусидаги фаолиятларида улкан зафарлар тилаймиз.

# Фидойи бунёдкорларга омад ёр бўлсин!

**Шодиёр ДЖАМАНҚУЛОВ,** "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи в.в.б.

**Бугунги кунда юртимизнинг қай бир ҳудудида бўлманг, кенг миқёсда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Қурилиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари билан шуғулланаётганларнинг сафи кенгайиб боряпти. Бинобарин, кўҳна Самарқандда бинокорлик тизимида бажарилиши лозим бўлган вазифалар салмоғи ҳар қачонгиданда оширилган. Барпо этилаётган кўп қаватли бинолар, хусусан, кетма-кет ишга туширилаётган турар жойлар, қатор ижтимоий объектларга қараб, тизимда имкониятларнинг катталиги, улардан самарали фойдаланилаётгани ҳақида ўйлаймиз.**



Биламизки, қурилишдаги улкан вазифалар аввало, лойиҳалаштиришдан бошланади. Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш ишлари ҳам муҳим вазифа. Негаки, ҳар қандай соҳани ҳужжатлари мукаммаллигини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади. Бу борадаги тартиб-қоида, ҳужжатларнинг қонунийлигига эришиш ҳамма учун бирдай, ҳамма учун мажбурий.

Бу борада самарқандлик қурилиш соҳаси вакиллари ҳам ўзларига билдирилган ишончни оқлаш мақсадида масъулият билан меҳнат қилиб, юртимиз бунёдкорлигига ҳисса қўшиб келмоқда.

Айни пайтда мамлакатимиз қурувчилари касб байрами – Қурилиш соҳаси ходимлари кунини нишонлаш арафасида туришибди. Улар бу санани ҳар доим муносиб совғалар билан қарши олишади. Бу йил ҳам шундай. Самарқандлик бунёдкорларнинг амалга ошираётган ишлари, қурилиш майдонларида кўрсатаётган ғайрат-шижоатлари фикримизнинг исботидир.

Бошқармамамиз жамоаси ҳам касб байрамига муносиб совға тайёрлаш мақсадида имкониятдан фойдаланган ҳолда меҳнат қилмоқда. Ҳар бир мутахассис, ҳар бир ходим зиммасига юкланган масъулиятни жиддий ҳис этяпти. Шундай масъулиятни англаш, шу асосда иш юритиш, бунёдкорлик борасида ўтказиладиган экспертизаларда қонунийликка, ҳаққонийликка эришишнинг ўзи тизимдаги бажарилаётган ишларнинг муваффақиятини таъминлайди.

Барча ҳамкасбларни, қурилиш соҳаси фидойиларини касб байрамлари билан муборакбод этамиз. Уларнинг масъулиятли ва заҳматли меҳнатларида ҳамиша муваффақият тилаймиз.



# Архитектор – ҳаёт тарзини чизадиган одам

**Зулфизар МАВЛОНОВА,** журналист.

**Ҳар бир давр архитектураси ўша замон ҳақида бир китоб ярата олади. Чунки у мамлакатнинг ривожланганлик даражасини кўрсатиб беради. Халқнинг маданияти, санъати ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларини ўзида акс эттиради. Демак, архитектура бу – энг асосий тарихий манбалардан бири саналади. Шу аснода архитектордан бадиий санъат маҳоратию сўнгги урфдаги қурилиш услубларини билиш талаб этилади. У ўзининг меҳнати билан бинонинг нафақат чиройли кўринишини, балки барқарорлигини ҳам белгилайди.**

Ана шундай архитекторлардан бири Азизбек Ҳамроев Бухоро вилоятидаги кўплаб янги тикланган иншоотлар ва реконструкция қилинган қадимий иншоотлар архитектураси мустаҳкамлигига ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳамкасблари уни ёш бўлсада, ўзига талабчан архитекторлардан бири, дея таърифлашди.

Азизбек Ҳамроев 1992 йилда Ромитан туманида туғилган.

– Оилада уч ўғилнинг тўнғичиман, – деди Азизбек. – Болалигимда қишлоғимиздаги гўзал манзараларни, табиатнинг ранг-баранг тасвирини қоғозда акс эттиришни жуда ёқтирардим. Айниқса, мактабимиз биносини ва унинг ҳовлисини айнан ўзига ўхшатиб чизишни кўп марта машқ қилганман. Адабиётга ва ижодкорликка меҳрим баланд эди. Бу қизиқишларим мени бора-бора архитектура соҳасида фаолият юритишимда сабаб бўлди. Мана, 10 йилдирки, архитекторлик бўйича ишлаб, билим ва кўникмаларимни ошириб, билганларимни шогирдларга ўргатиб келяпман.

Азизбек Тошкент архитектура-қурилиш институтини тамомлаб, дастлабки иш фаолиятини пойтахтда бошлаган. У ерда илк амалий билимларни олиб, ёш ва тажрибали архитектор сифатида фаолиятини Бухорода давом эттирди. Интилиш ва ўрганишлари натижасида 2019 йилда "Imorat development" лойиҳа компаниясига асос солди. Бундан ташқари, 2022 йилда Азизбек ўз касбининг устаси бўлган соҳа вакиллари билан "Prounity" архитектура-дизайн ва замонавий касблар мактабига асос солди. Ҳозирда мактабда 40 дан ортиқ мутахассис фаолият юритади.

Маълумотга кўра, 16 ёшдан 40 ёшгача бўлган соҳага қизиққанларнинг барчаси бу ерда таълим олиш ва махсус амалий топшириқлар асосида кўникма ҳосил қилиш имкониятига эга. Муҳими, ўқиш истагида бўлганлардан ҳеч қандай диплом талаб қилинмайди. Интилиш ва қобилиятнинг ўзи етарли.

– Азизбек ишонган шогирдларимдан, – деди Бухоро вилояти бош архитектори, олий тоифали архитектор Зуҳриддин Муҳиддинов. – Соҳага энди кириб келаётган пайтида ундан умидларим катта бўлган. Ўзининг тиниб-тинчимаслиги билан ҳозирда ишончли архитекторлардан бирига айланди. Бугунга қадар олий таълим, соғлиқни сақлаш, мудофаа объектлари, меҳмонхона ва савдо бинолари ҳамда кўплаб турар жой биноларининг лойиҳаларини ишлаб чиққан. Айни пайтда у билан биргаликда Масжиди калон, Пойкент қадимий шаҳри, Шаҳристон девори ҳамда Арк қўрғони шимолий деворини қайта тиклаш лойиҳалари устида ишлаяпмиз.

Ҳар касбнинг ўз машаққати ва қийинчилиги бор. Ҳеч бир одам ўз-ўзидан соҳанинг энг яхши мутахассисга айланиб қолмайди. Уни йиллар ва хатолар тарбиялайди. Азизбекнинг айтишича, фаолияти аввалида чизмаларида, лойиҳаларида камчилик бўлган. Улар орасида ҳатто, қимматга тушганлари ҳам учраган экан. Бироқ шу хатолардан чиқарилган хулосалари натижасида бугун у муваффақиятга эришиб келмоқда. Айниқса, Мироншоҳ Мустафоев, Жамшид Баротов сингари ўнлаб шогирдлар тайёрлаб, юртимиз меъморчилиги равнақига ҳисса қўшаётганини энг катта ютуқларидан, деб билади. Суҳбат давомида қаҳрамонимиз касб танлашда иккиланиб юрган йигит-қизларга ҳам ўз тавсияларини билдириб ўтди:

– Инсон умрининг асосий қисми иш фаолияти билан боғлиқ. Шу боис, касб танлаш бахтли ҳаёт қуришда муҳим ўрин тутади. Касб танлаш истагида бўлган ёшларга ўзингиз ишлашни истаётган соҳалар рўйхатини тузинг ва қайси бирида яхши пул топиш имконияти борларини ажратиб олиб, бирини танланг, деган бўлардим. Айнан архитекторлик йўлини танлаш учун эса хоҳишнинг ўзи етарли эмас. Архитектор – ҳаёт тарзини чизадиган одам. Архитектура замон, ҳаёт тарзи, турмуш даражаси, одамларнинг ташвишларию кечинмаларини, орзу-мақсадларини акс эттирадиган ойна. Тарихдан турли даврларда ва турли маконларда ривожланган меъморчилик услублари бунга яққол мисол бўлади. Шунинг учун яхши архитектор бўлиш яхшигина меҳнатни талаб қилади.

Ҳа, яхши архитекторга бугунги кунда талаб юқори. Улар ҳар ишида миллий, давлат ва маҳаллий қурилиш меъёрларига асосан иш кўришлари лозим. Азизбек Ҳамроев каби малакали архитекторлар бор экан, юртимиз кўркам ва замонавий бинолар билан янада чирой очишда давом этаверади.

Биз ҳам Азизбек ва унинг жамоасини касб байрами билан табриклаб, келгуси фаолиятига улкан зафарлар тилаймиз.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№58-59 (811-812) 2024 йил 10 август

# ШИЖОАТЛИ БУНЁДКОРЛАР

**Ҳамза ШУКУРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Булунғур туманида олиб борилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Айниқса, “Янги Ўзбекистон” массивида барпо этилаётган турар жойлар, қатор ижтимоий объектлар бу ерда ҳақиқий замонавий шаҳарча барпо этилаётганидан далолат беради.**



Массивда ўтган даврда нималар қилинди, ҳудуддаги қурилиш ишлари айни пайтда қай даражада, бунёдкорлик ишларида қандай қурилиш ташкилотлари иштирок этаяпти?

Туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими томонидан берилган маълумотларга кўра, “Янги Ўзбекистон” массивида қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Хусусан, “Алижон қурилиш-монтаж” МЧЖ томонидан бу ерда иккита уйнинг ички қисмида ранглаш юмушлари бажарилган, ташқи фасад қисмига базальт қопланиб, сувоқ қилинаяпти. Турар жойлар атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу МЧЖ томонидан қурилиши керак бўлган уйлардаги 36 та хонадондаги юмушларга 24 нафар қурувчи жалб этилган.

– Биз барпо этаётган 4 та кўп қаватли уйда 78 та хонадон мавжуд, – деди бунёдкорлик ишларида фаол қатнашаётган “Меъмор” хусусий корхонаси раҳбари Улуғбек Тўраев. – 2022 ва 2023 йиллар мобайнида 795 та уй-жой қуриб битказдик. Айни пайтда барча объектлардаги ишлар турли жараёнда. Уларнинг бирида пойдевор қўйилаётган бўлса, бошқасида сувоқ ишлари амалга оширил-япти. Бу дегани, қурилиш участкаларимиз кўп, уларнинг бирортасида ҳам иш тўхтаб қолаётгани йўқ.

“Янги Ўзбекистон” массивида шунингдек, “Agromir buildings”, “Лазизжон строй сервис”, “Ботир меъмор қурувчи 999”, “Булунғур Товер”, “Мансур сифат қурилиш”, “4-сон махсус таъмир”, “Modern Technology Costruction” каби яна бир қатор масъулияти чекланган жамиятлари бунёдкорлари ҳам ғайрат кўрсатишяпти. Улар томонидан амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишларининг жадал давом этаётганига қараб, бу ерда меҳнат қилаётган бунёдкорлар шижоатига тасаннолар айтиш мумкин.

# Пахтачида шундай тадбиркор бор, ишларидан барча миннатдор

**Изатулла НОРҚУВВАТОВ,** журналист.

**Атиги икки киши билан фаолият бошлаган “Мадина савдо белгиси” корхонасини бугунги кунда нафақат Пахтачи туманида, балки республикамизда ҳам иқтисоди бақувват, ишлаб чиқариши кенгайиб бораётган йирик корхоналардан бири сифатида билишади. Тадбиркор Ҳабиб Саъдиновнинг изланувчанлиги туфайли айни пайтда корхонада 170 дан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Ёш тадбиркорнинг ўз вазифасига масъулият билан ёндашиши натижасида хизмат кўрсатиш шохобчалари сони 5 тадан ошди.**



2012 йилда корхонага ташландиқ ҳолга келиб қолган собиқ қурилиш ташкилотининг биноси ва ер майдони ажратиб берилди. 2,2 гектар майдондаги мазкур бино ва ҳудудда қайта таъмирлаш ишлари бажарилиб, барча талаб ва меъёрларга мос келадиган йирик ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш базаси барпо этилди. Бугунга келиб, корхона томонидан аҳоли ва ташкилотларга кенг кўламдаги хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, “Akfa” эшик-ромлари ишлаб чиқариш цехи, аҳоли буюртмасига асосан индивидуал мебеллар тайёрлаш ва ўрнатиб бериш, бир неча турдаги профнастил маҳсулотлари ҳамда турли хил техник хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган. Шунингдек, қурилиш соҳасида қўлланиладиган кўплаб материаллар ҳам тайёрланиб, арзон нархларда истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Ишлаб топилган маблағ туфайли иқтисод бақувват бўлавергач, ишчи-ходимларни моддий қўллаш баробарида, фаолиятни янада кенгайтириш имкони туғиларкан. Сўнгги уч йилда хориждан шартнома асосида туникадан иморатларга турли шакллар бериш ускунаси келтирилди. Бундан ташқари, техникалар сони 40 тага етказилгани бунёдкорлик ишларини амалга оширишда қўл келмоқда. Қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳам жамоа учун муаммо эмас. Дастлаб 2015 йилда корхона бунёдкорлари “Қишлоққурилишинвест” МЧЖ ИК Самарқанд филиали буюртмасига асосан 2 миллиард 777 миллион сўмлик 14 та намунавий лойиҳадаги уй-жойларни қуриб фойдаланишга топширган. Қурилган уйлар сифат жиҳатидан талаб даражасида бўлгани учун буюртмалар сони ҳам шунга муносиб равишда ошиб борди. Кўп ўтмай, корхона қурувчилари туманнинг “Жаҳонобод” массивида 21 та уй-жойни қуриб битказишди.

Бу борадаги ишларнинг жадал боришида айниқса, корхонанинг “Қизилқумцемент” АЖ, “Тошкент труба заводи” МЧЖ каби йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатгани ҳам қўл келмоқда. Қолаверса, бу жиҳат қурилаётган бино ва иншоотлар сифатининг яхшиланиши ҳамда таннархи пасайишига ҳам имкон яратади.

Яна бир аҳамиятли томони, эндиликда тайёр бетон ва бетон плиталар, шлакоблок, брусчатка, гипс ҳамда ғишт каби қурилиш учун зарур ашёларни бошқа ташкилотлардан шартнома орқали олиб келишга ҳожат йўқ. Чунки корхонанинг ўзида барчаси ишлаб чиқарилиб, турдош ташкилотларга ҳам шартнома асосида, арзон нархларда етказиб берилмоқда. Замон талабига мос равишда қурилган иссиқхонада эса сархил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, ишчи-ходимларга тарқатиляпти, ортгани ички бозорда сотилмоқда.

– Муваффақиятлар ўз-ўзидан келмайди, – деди корхона раҳбари Ҳабиб Саъдинов. – Фаолиятимиз кенг шаклланиши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларининг кўпайишида Дилшод Муҳаммадиев, Азамат Норов, Алишер Ҳасанов, Фаррух Салаев, Отаёр Нортошев, Шерназар Умрзоқов, Дилшода Ҳасанова, Нилуфар Муҳаммадиева сингари ишчи-ходимларимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида эътироф этмоқ лозим. Аҳил жамоамизнинг беминнат меҳнати туфайли ўтган йили Зиёвуддин шаҳарчасидаги Истиқлол ва Амир Темур маҳаллалари ҳудудида 10 та кўп қаватли уй-жой қуриб, фойдаланишга топширдик. Қўшни Нарпай туманида эса 120 ўринли икки қаватли МТТ қуриб битказилди. Шунингдек, 10 га яқин мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Бу бунёдкорлик ишлари жорий йилда ҳам давом этмоқда. Жумладан, туман марказидаги Амир Темур номли маҳаллада 75 хонадонли 5 қаватли турар жой биноси қурилишига киришилган. Ишчи-ходимларнинг ҳаракатлари натижасида йил охиригача мазкур иншоот ҳам тўлиқ битказилиб, ўз эгаларига топширилади.

# Мутахассислиги – бинокор, шиори – сифат ва мустаҳкамлик



**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Инсоннинг қадри ва мартабаси унинг жамиятда амалга оширилаётган бунёдкорликларга қўшаётган муносиб ҳиссаси билан ҳам ўлчанади, десак ўринли бўлади. Кимдир ижтимоий-сиёсий, кимдир маънавий-маърифий, яна бошқа биров эса таълим-тарбия, мудофаа ёки ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилиб, юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшади.**

Қаҳрамонимиз Анваржон Гиясиддинов эса том маънодаги қурилиш-бунёдкорликка салмоқли ҳисса қўшаётган олий маълумотли мутахассислар сирасидан. У 1989 йил 24 августда Наманган туманида ҳунарманд оиласида туғилди. 1996 йилдан тумандаги Қуйи Ровустон маҳалласида жойлашган 34-умумий ўрта таълим мактабида ўқишни бошлади. Зийрак ва иқтидорли фарзандининг имкониятларини яхши чамалаган илмпарвар оила бошлиғи Шаҳобиддин ота 13 ёшли Анваржонни Наманган шаҳридаги аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослашган мактаб-интернат томон йўналтирди.

Илмга чанқоқ Анваржон аълочи ўқувчилар қаторида 2007 йилда мазкур мактабнинг 11 синфини тамомлагач, 2008 йилда Наманган муҳандислик қурилиш институтининг бино ва иншоотлар йўналишида таҳсилни давом эттирди. У тенгдош талабалар орасида ғайратлилиги ва тиришқоқлиги билан ажралиб турарди. Бу ерда ўзи танлаган касб сирасрорларини, илмий-назарий жиҳатларини қунт билан ўқиб ўрганди. Интилганга толе ёр, деганларидек, диплом ишларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, бакалавр даражасига эришди.

Ёш ва билимдон мутахассис ҳар ерда керак. Вилоятдаги қурилиш ташкилоти “Бунёдкор-3” МЧЖда техник лаборант вазифасида иш бошлаган А. Гиясиддинов бугунги кунда “RUBIN BIA” МЧЖда бош муҳандис лавозимида фаолият юритмоқда. Унгача лаборатория мудири, хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис, иш бошқарувчи сифатида зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариб, ўзига билдирилган ишончни тўлиқ оқлади.

– Асосан сифат ва мустаҳкамлик доимий диққат-марказимизда бўлади, – деди Анваржон биз билан суҳбатда. – Ҳаммаси белгилаб қўйилган давлат стандартлари ва бошқа технологик шартлар талабига мос бўлиши зарур. Касбларнинг ҳаммаси ўз маъно-мазмунига эга. Лекин мен қурувчиликни қадриятга монанд машғулот, деб ҳисоблайман. Ахир, буюк бобомиз Амир Темур “Бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг”, деганида ўз даврининг архитектурасидаги юксак илм-фан ва маҳорату маҳобатга, куч-қудратга ишора қилган бўлса, не ажаб. Назаримда, бугун замонавий шаҳарсозлик намуналарини дунёга кўз-кўз қилаётган ҳар қайси мамлакат соҳибқирон айтган ана шу ташбеҳдан андоза олгани ҳам бор гап. Шунинг учун ҳам бунёдкорлик мен учун қадрли соҳа. Бундан буён ҳам бор имкониятларимни шу соҳа ривожига ҳисса қўшишга сарфлашда давом этаман.

Анваржон билан ўзаро суҳбатда уни ўз касбининг фидойи эгаси эканлигини англадик. Бир сафар йўл қурилиши сифатини текширишда унга мутахассис-назоратчи вазифаси юкланади. Асфальтнинг қалинлиги, намликнинг ўтказиш даражаси ҳам белгилаб қўйилган стандартларга мос келмаслиги аниқлангач, у баённомада барча камчиликларни борича кўрсатади. Бундан хабардор бўлган йўл қурилишидаги баъзи масъуллар ундан натижавий хулосада камчиликларни кўрсатмасликни талаб қилишади. Бу эса Анваржоннинг иш усулига ва шиорига зид эди. Яъни, ҳужжатларни қалбакилаштиришга асло рози бўлмагач, унга нисбатан таҳдид ва тазйиқлар бошланади. Аммо ўз принципига содиқ ёш мутахассис касбига хиёнат қилмайди...

Дарвоқе, 2022 йилда у “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланди. Ёш ва талабчан бинокорни касб байрами билан муборакбод этиб, бундан кейинги ишларида улкан муваффақият тилаймиз.

# Ҳавасга арзигулик инсон

**Муҳиддин ЗАЙРИДДИНОВ,** “Ўзбекистон бунёдкори” мухбири.

**Тарихдан маълумки, ҳар бир халқнинг фахрига айланган қаҳрамонлари бўлган. Улар юрт тинчлиги ва эрки учун ҳатто жонларидан ҳам кечишга тайёр бўлишган. Доимо халқ учун жон куйдирганлар. Бундай қаҳрамонлар ҳозир ҳам бор. Ҳозирги замон қаҳрамонлари озодлик учун жонини жабборга бермаса ҳам, юрт равнақи ва халқ фаровонлиги учун хизмат қиладилар. Ютимизнинг бугунги қаҳрамонларидан бири – қурилиш соҳасида узоқ йиллардан буён фаолият юритиб келаётган навоийлик Раҳматилла Олимжоновдир.**

Раҳматилла Олимжонов Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида туғилган. Отаси Иброҳим ака оддий уста бўлган. 3 қизни турмушга бериб, кенжа ўғлини ўқитиш мақсадида Тошкентга юборади. Бу ҳақда қаҳрамонимиз шундай эслайди:

– Отам уста бўлгани учун ҳеч ҳам дам олганини кўрмаганман. Баъзида мени ҳам ўзи билан бирга олиб кетарди. Шу тариқа устачиликни анча-мунча ўрганиб олдим. Бир гал ишдан қаттиқ чарчаб келиб, онам билан суҳбатлашганимиз ҳамон ёдимда. Ўшанда онам “Отанг қандай қийналиб меҳнат қилаётганини кўриб, ҳис қиляпсан. Аммо сен яхши ўқиб, бир касбнинг эгаси бўлишинг керак”. Онамнинг бу гапи мен учун катта мотивация бўлганди. Шу боис, қунт билан ўқиб, Тошкент давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирдим ва талабалик бахтига эришдим.

Биринчи босқични тамомлаган Раҳматилла ака ёзги таътилда бекор юрмаслик мақсадида ота касбини давом эттириб, ёш бўлсада, қўли гул уста сифатида танилади. Ўзига яраша мижозлар орттиради. Афсуски, ана шу вақтдан бошлаб Раҳматилла аканинг ҳаётида туб ўзгариш содир бўлади.

– Даромадим яхшилиги туфайли дўстларимга ҳам моддий ёрдам бера оладиган даражага етдим, – деди Раҳматилла ака. – Ишга берилиб, ўқиш ҳақида умуман ўйламай қўйдим. Бу орада менга ўқишдан огоҳлантириш хатлари жўнатилган-у мен эътибор қилмай ишлайверганман. 2-босқич якунида мени ўқишдан четлатишди. Уйдагиларга бу ҳақда айтмасдан ишлашда давом этдим. Ёшликдаги бу хатоим туфайли бир умр афсусланиб келяпман. Мен ҳам олий маълумотли мутахассис бўлиб, ота-онам фахрланадиган ишларда ишлашни орзу қилган эдим. Аммо ... Ўқишдан четлатилганимдан кейин кўп қаватли бинолар қурилишида ишлаб, пайвандчилик ҳунарини мукаммал ўргандим. Дадам мендан ўқишим ҳақида сўраганда, “бўляпти” деб қўярдим холос. Охири, ўқишдан четлатилганимни ота-онамга айтдим. Эшитиб аввалига хафа бўлишди, аммо мени тушкунликка тушишимга йўл қўйишмади. Қўллаб-қувватлашда давом этишди.

Оилавий сабаблар туфайли Навоийда бироз яшаб, яна ишлаш мақсадида Тошкентга қайтиб келган Раҳматилла Олимжонов пайвандлаш касбини мукаммал эгаллагани учун иш топишга қийналмади. Аксинча, ишлари янада юришиб кетди. Бўш пайтларида одамларнинг уйларида устачилик қилиб, шу тариқа ҳалол меҳнат эвазига фарзандларини вояга етказди.

– Катта ўғлим келгуси йили Тошкент давлат шарқшунослик университетини тамомлайди, – деди суҳбатдошим. – Ўзим эришолмаган мақсадимни ўғлимда кўряпман. Лекин бир нарсадан афсусланаман, ҳозир фарзандим туфайли ҳис қилаётган туйғуларимни мен ўз отамга ҳис қилдира олмаганман... Шу боис, бугунги ёшларга қайси касбни танласангиз ҳам, албатта, ўша касбнинг моҳир устаси бўлинг. Бунинг учун эса олий маълумотли бўлишингиз керак, дея кўп таъкидлайман.

Раҳматилла ака билан касбий фаолияти ҳақида ҳам гаплашдик.

– Айни пайтда “Golden Hils” турар жой мажмуасида пайвандчи бўлиб ишлаяпман. Ҳозирда 8 нафар шогирдим бор. Ҳунаримдан афсусланмайман, шу орқали оила боқиб, фарзандларимни вояга етказдим. Қийинчилик эса ҳар бир касбда бор. Баъзан пайванд вақти чақнашлар бўлади, кўзимга темир қириндилари кириб кетади, кечаси билан ухлолмай чиқаман. Шундай пайтда ҳам танлаган касбимдан, ўтган ҳаётимдан афсусланмайман. Ишдан ташқари, бўш вақтим бўлса хонадонларда устачилик ҳам қиламан. Асосан, фундамент ишлари ва ғишт териш билан шуғулланаман. Ота касбни давом эттириб завқ оламан, роҳатланаман.

Суҳбат давомида у кишини кузатиб, чиндан ҳам, чарчоқ, дам олиш деган нарсалар у кишига бегона эканини кўрдик. Шу ёшда ҳам йигитлардек шижоати баланд, жўшқин. Тўғриси, унга ҳавас ҳам қилдик. Зеро, халққа хизмат қилишдек улуғ бир ҳунарни узоқ йиллардан буён давом эттириб, бугунги кунда шогирдларга ҳам ўргатиб келаётган, энг муҳими, буни фахр ила сўзлаб бераётган Раҳматилла ака чиндан ҳам ҳавасга арзигулик инсон.

# “ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА” бош лойиҳа институти



## ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!





Жонажон юртимизнинг замонавий қиёфасини яратиш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишда моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меьморлар, лойиҳачиларнинг хизмати беқиёс. Бугунги касб байрами барчангизга муборак бўлсин. Шарафли меҳнатингиз роҳатини кўриб юринг, азиз бунёдкорлар!





O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№58-59 (811-812) 2024 йил 10 август

QURILISHDA MUHANDISLIK QIDIRUVLARI, GEOAXBOROT VA SHAHARSOZLIK KADASTRI LOYIHA ILMIY-TEKSHIRISH INSTITUTI

# QURILISH SOHASI XODIMLARI KUNI MUBORAK!

Barcha loyihalaringiz muvaffaqiyatli va yurt ravnaqi yo'lida mehnatingiz bardavom bo'lsin!




## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

Янги Ўзбекистоннинг янгиланишига ҳисса қўшаётган қўли гул бунёдкорлар, маҳоратли лойиҳачилар, муҳандис-меъморлар!

Сизларни бугунги касб байрамингиз –

## ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан табриклаймиз.

Шарафли касбингизни амалга оширишда омад ҳамиша ёр бўлсин!




ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ИНСПЕКЦИЯСИ
Мамлакатимиз ободлиги, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги қиёфасини яратишга бел боғлаган соҳа ходимларининг барчасига
КАСБ БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН.
Ушбу эзгу мақсадни амалга оширишдек шарафли касбингизда улкан ютуқларни қўлга киритиб, элнинг дуосини олиб юриш ҳар доим насиб этсин!


ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ИНСПЕКЦИЯСИ
Юртимизда жавлон уриб меҳнат қилаётган барча қурилиш соҳаси ходимларини, архитектор ва лойиҳачиларни
КАСБ БАЙРАМИ
билан табриклаймиз.
Халқ фаровонлиги ва юрт ободлиги йўлида олиб бораётган ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№58-59 (811-812) 2024 йил 10 август








НАВОИЙ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
Юртимизнинг кундан-кун чирой очиб боришига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган заҳматкаш ва матонатли қурувчилар, маҳоратли лойиҳачилар!
Байрамингиз муборак бўлсин!
Бунёдкорликдан чарчамай, юксак марраларни забт этишингизга тилакдошмиз.




Жонажон халқимиз учун муҳташам иморатларни барпо этишдек масъулиятли касб эгаларини бугунги сана –
ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
билан қутлаймиз!
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ


САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
Юртимиз ободлиги ва равнақи учун меҳнат қилиб келаётган барча қурилиш соҳаси ходимлари – архитектор, лойиҳачи, муҳандис ва қурувчиларга
КАСБ БАЙРАМИ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!
Юрт кўрки, халқ фаровонлиги йўлида олиб бораётган ишларингизда зафар ёр бўлсин.


ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
Қурилиш соҳаси ходимлари куни билан барча лойиҳачи ва меъморларни, қурувчи ва бунёдкорларни қутлаймиз!
Ватан тараққиёти, юрт кўрки ва аҳоли фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ҳар бири ишингизда Аллоҳ ўзи мададкор бўлсин.
Юртимиздан қут-барака, жамоангиздан аҳиллик ва тотувлик аримасин!


ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ИНСПЕКЦИЯСИ
ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ
КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!
Келгуси фаолиятингизга сўнмас
ғайрат ва шижоат тилаймиз.


ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ИНСПЕКЦИЯСИ
Фидокор қурувчилар, малакали архитектор
ва барча юртдошларимизга
қурилиш соҳаси ходимлари куни қутлуғ бўлсин.
Янги Ўзбекистонимизнинг янги қиёфасини яратишдек масъулиятли
касбингизда омад ҳамиша сизларга ёр бўлсин!


1928
"O‘ZSHAHARSOZLIK LITI"
ЖОНКУЯР СОҲА ВАКИЛЛАРИ,
БУГУНГИ КАСБ БАЙРАМИНГИЗ
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!
Юртимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида сиз
каби фидойи касб эгаларининг хизмати беқиёс.
Шу боис, юртимизда қурувчию лойиҳачилар меҳнати доимо қадрланади.
Шарафли касбингизда омад ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

## ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Республика Узбекистан**
**Сектор:** Сельское развитие
**Закупка работ**
**Номер контракта:** SRDP-KR-W-09
**Номер кредита:** UZB-1023
**Название проекта:** Устойчивое развитие сельской местности

1. Правительство Узбекистана получило от Исламского банка развития (ИБР) кредит на реализацию проекта "Устойчивое развитие сельской местности" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на подрядные работы по нижеследующим контрактам в Республике Каракалпакстан:

- **SRDP-KR-W-09** – строительство махаллинского центра бытового обслуживания в МСГ "Амирободˮ в Элликкалинском районе Республики Каракалпакстан.

2. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными Исламским банком в *"Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР"*, опубликованном в апреле 2019 года, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Руководстве. Кроме того, обратите внимание на пункты 1.18–21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Министерстве экономики и финансов и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассылке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет **1 250 000 сум** или в узбекских сумах по курсу Центрального банка Республики Узбекистан на день оплаты.

**Способ оплаты** – банковский перевод на нижеуказанный счет.

### Для поступлений в сумах:

**Получатель:** Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов
**Адрес и телефоны получателя:** 100035, г. Ташкент, ул. Чиланзар, 4, каб. 505. **Тел.:** (+998 71) 207-84-07
**Банк получателя:** Ташкентский фил. АКИБ "Ипотека-банк" МФО 00419
**Р/с получателя в сум:** 2021 0000 7052 9450 7007
**ИНН, ОКОНХ получателя:** ИНН 307 829 948

4. Тендерные предложения должны быть действительны в течение 120 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде гарантийной декларации.

**Тендерные предложения должны быть доставлены в офис ОГРП по адресу:**
**Вниманию:** на имя г-на Б. Тураева, Директора ОГРП
**Адрес:** город Ташкент,100035, Узбекистан, улица Мукими, 15 "а".
**Этаж/комната:** 5/503.
**Телефон:** (99871) 207-84-07.
**Электронная почта:** b.atavullaev@uzrd.uz

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **12.00 часов (по ташкентскому времени) 10 сентября 2024 г.**, когда они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Вскрытие пакетов состоится в 15.00 (по ташкентскому времени) 10 сентября 2024 г. в офисе Объединенной группы реализации проектов при Министерстве экономики и финансов (5-этаж) по адресу:** Республика Узбекистан, г. Ташкент, ул. Мукими, 15 "а".

## ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Республика Узбекистан**
**Сектор:** Сельское развитие
**Закупка работ**
**Номер контракта:** SRDP-BKH-W-14
**Номер кредита:** UZB-1023.
**Название проекта:** Устойчивое развитие сельской местности

1. Правительство Узбекистана получило от Исламского банка развития (ИБР) кредит на реализацию проекта "Устойчивое развитие сельской местности" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на подрядные работы по нижеследующим контрактам в Бухарской области:

- **SRDP-BKH-W-14** – строительство центров бытового обслуживания в МСГ "Сараён" в Каганском районе Бухарской области.

2. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными Исламским банком в *"Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР"*, опубликованном в апреле 2019 года, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Руководстве. Кроме того, обратите внимание на пункты 1.18–21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Министерстве экономики и финансов и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассылке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет **1 250 000 сум.**

**Способ оплаты** – банковский перевод на нижеуказанный счет.

### Для поступлений в сумах:

**Получатель:** Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов
**Адрес и телефоны получателя:** 100035, г. Ташкент, ул. Чиланзар, 4, каб. 505. **Тел.:** (+998 71) 207-84-07.
**Банк получателя:** Ташкентский фил. АКИБ "Ипотека-банк" МФО 00419
**Р/с получателя в сумах:** 2021 0000 7052 9450 7007
**ИНН, ОКОНХ получателя:** ИНН 307 829 948

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 120 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде гарантийной декларации.

**Тендерные предложения должны быть доставлены в офис ОГРП по адресу:**
**Вниманию:** на имя г-на Б. Тураева, Директора ОГРП.
**Адрес:** город Ташкент, 100035, Узбекистан, улица Мукими, 15 "а".
**Этаж/комната:** 5/503.
**Телефон:** (99871) 207-84-07.
**Электронная почта:** b.atavullaev@uzrd.uz

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **12.00 часов (по ташкентскому времени) 10 сентября 2024 г.**, когда они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Вскрытие пакетов состоится в 15.00 (по ташкентскому времени) 10 сентября 2024 г. в офисе Объединенной группы реализации проектов при Министерстве экономики и финансов (5-этаж) по адресу:** Республика Узбекистан, г. Ташкент, ул. Мукими, 15-"а".

## ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Республика Узбекистан**
**Сектор:** Сельское развитие
**Закупка работ**
**Номер контрактов:** SRDP-KHR-W-04 Лот-1, SRDP-KHR-W-04 Лот-2, SRDP-KHR-W-05
**Номер кредита:** UZB-1023.
**Название проекта:** Устойчивое развитие сельской местности

1. Правительство Узбекистана получило от Исламского банка развития (ИБР) кредит на реализацию проекта "Устойчивое развитие сельской местности" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на подрядные работы по нижеследующим контрактам в Хорезмской области:

- **SRDP-KHR-W-04** – Строительство махаллинского центра бытового обслуживания и среднеобразовательной школы в Ханкинском районе Хорезмской области.

**Лот-1** – строительство махаллинского центра бытового обслуживания в СГМ "Корамози" в Ханкинском районе Хорезмской области;

**Лот-2** – строительство среднеобразовательной школы вместимостью 330 учеников вместе с спортзалом 12x24 м в МСГ "Дустлик" в Ханкинском районе Хорезмской области;

**SRDP-KHR-W-05 –** строительство махаллинского центра бытового обслуживания в МСГ "Юкориовул" в Ургенчском районе Хорезмской области.

2. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными Исламским банком в *"Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР"*, опубликованном в апреле 2019 года, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Руководстве. Кроме того, обратите внимание на пункты 1.18–21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Министерстве экономики и финансов и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассылке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет **1 250 000 сум**.

**Способ оплаты** – банковский перевод на нижеуказанный счет.

### Для поступлений в сумах:

**Получатель:** Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов
**Адрес и телефоны получателя:** 100035, г. Ташкент, ул. Чиланзар, 4, каб. 505. **Тел.:** (+998 71) 207-84-07
**Банк получателя:** Ташкентский фил. АКИБ "Ипотека-банк" МФО 00419
**Р/с получателя в сум:** 2021 0000 7052 9450 7007
**ИНН, ОКОНХ получателя:** ИНН 307 829 948

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 120 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде гарантийной декларации.

**Тендерные предложения должны быть доставлены в офис ОГРП по адресу:**
**Вниманию:** на имя г-на Б. Тураева, Директора ОГРП.
**Адрес:** город Ташкент,100035, Узбекистан, улица Мукими, 15 "а".
**Этаж/комната:** 5/503.
**Телефон:** (99871) 207-84-07.
**Электронная почта:** b.atavullaev@uzrd.uz

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **12.00 часов (по ташкентскому времени) 10 сентября 2024 г.**, когда они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Вскрытие пакетов состоится в 15.00 (по ташкентскому времени) 10 сентября 2024 г. в офисе Объединенной группы реализации проектов при Министерстве экономики и финансов (5-этаж) по адресу:** Республика Узбекистан, г. Ташкент, ул. Мукими, 15 "а".

## ЗАПРОС НА ВЫРАЖЕНИЕ ЗАИНТЕРЕСОВАННОСТИ

**(SRDP-CON-AUD-01 УСЛУГИ ФИНАНСОВОГО АУДИТА) – ВЫБОР ФИРМ )**
**Страна:** Республика Узбекистан
**Название проекта:** Комплексное развитие сельской местности
**Название сектора:** Развитие сельской местности
**Консалтинговые услуги:** Услуги по проведению финансового аудита
**Форма финансирования:** Продажа в рассрочку
**Финансирование № UZB-1038**

Республика Узбекистан получила финансирование от Исламского банка развития для покрытия стоимости проекта "Комплексное развитие сельской местности" и намерена использовать часть средств на услуги по проведению финансового аудита. Услуги включают финансовый аудит данного проекта на следующие финансовые годы: 2023 г. (ноябрь-декабрь), 2024-2027 гг. и 2028 г. (январь-сентябрь). Задание будет охватывать аудит всех ресурсов, предоставленных Исламским банком развития и Правительством Узбекистана.

Подробное Техническое задание (ТЗ) прилагается к настоящему запросу на выражение заинтересованности.

В настоящее время Объединенная группа по реализации проектов (ОГРП) *как агентство-исполнитель* приглашает соответствующие национальные дипломированные аудиторские фирмы выразить свою заинтересованность в предоставлении услуг. Заинтересованные аудиторские фирмы должны предоставить информацию, подтверждающую, что они имеют квалификацию для оказания услуг (брошюры, описание подобных заданий, опыт работы в похожих условиях, наличие соответствующих навыков у персонала и т. д.).

**Минимальным требованием для этих заданий является опыт работы в следующей области или деятельности:**

опыт работы в сфере оказания услуг по проведению финансового аудита не менее 5 (пяти) лет;

опыт оказания услуг по проведению финансового аудита в проектах, финансируемых многосторонними финансовыми институтами развития и/или любой финансируемой международной организацией;

наличие квалифицированных аудиторов для аудита проектов МФИ.

Ключевые эксперты не будут оцениваться на этапе составления короткого списка.

Внимание заинтересованных Консультантов обращается на пункты 1.23 и 1.24 "Руководства по закупкам услуг Консультанта в рамках проектного финансирования Исламского банка развития" (в редакции от февраля 2023 г.), излагающие политику ИБР в отношении конфликта интересов.

Аудиторские фирмы могут сотрудничать с другими фирмами для повышения своей квалификации, но должны четко указать, имеет ли сотрудничество форму совместного предприятия и/или субконсультационной компании. В случае совместного предприятия все партнеры совместного предприятия несут солидарную ответственность по всему контракту, если они выбраны.

Аудиторская фирма будет выбрана в соответствии с методом Выбора на основе низкой стоимости (ВОНС), изложенным в "Руководстве по закупкам услуг Консультанта в рамках Проектного финансирования Исламского банка развития" (в редакции от февраля 2023 г.).

Заинтересованные аудиторские фирмы могут получить дополнительную информацию в офисе Объединенной группы реализации проектов (ОГРП) с 09.00 до 18.00 часов (по местному времени).

Выражение заинтересованности должно быть доставлено в письменной форме по указанному ниже адресу до 16.00 по ташкентскому времени 9 сентября 2024 г. с пометкой "Выражение заинтересованности в консультационных услугах по аудиту проекта "Комплексное развитие сельской местности" по указанному ниже адресу.

**Вниманию:** Тураеву З. Б., директору ОГРП.
**Адрес:** Республика Узбекистан, 100035, г. Ташкент, ул. Мукими, 15 "А".
**Тел.:** (99871) 207-84-07.
**Электронная почта:** b.atavullaev@uzrd.uz

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### 2024 йил август ойининг 10 - 12 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ кичик мутахассиси **Ҳабиба Абдуллаева,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директор ўринбосари **Элёр Камилов,** лаборатория қоровули **Юсуф Орифжонов,**

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси етакчи мутахассиси **Хуршиддин Кочкаров,**

"Ўзоғирсаноатлойиҳа" АЖ қоровули **Собир Шамшиев,**

"Ташгипрогор" АЖ юрисконсульти **Фарҳод Ражабов,**

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-устахонаси архитектори **Дмитрий Мордвинов,**

"Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi" ДМ бош юристконсульть **Дилшод Садиков,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи инспектори **Камал Бекбаев,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино иншоотларни техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Ҳусниддин Ҳаққулов,** Комплаенс хизмати бош мутахассиси **Алишер Ҳусниддинов,**

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Қашқадарё вилояти филиали етакчи мутахассислари **Обид Наманов, Акмал Баҳриев,**

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосри – бош архитектор **Шавкат Дўсмуҳамедов,**

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Сирдарё вилояти филиали компьютер-техниги **Шуҳрат Неъматов,**

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Инсон ресурсларини бошқариш бўйича бош мутахассиси **Сайёра Исматова,**

Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги "Бобур коммунал таъмир 777" МЧЖ БСК бош директори **Абдулла Ниёзов,**

Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги "Муборак улкан иншооти" МЧЖ БСК бош директори **Ихтиёр Фармонов,**

Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги "Қушкўпир порлоқ келажак ПБК" МЧЖ бош директори **Сайёра Худайберганова,** Урганч туманидаги "Konstruksion global hous stroy" МЧЖ БСК бош директори **Атабек Аллаберганов,**

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги "Integral House" МЧЖ БСК бош директори **Лилия Рогачева**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№58-59 (811-812) 2024 йил 10 август

# ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Инсон умр йўлларини сарҳисоб қилар экан, яхши амалларидан кўнгли тўлиб, мамнун бўлса, демак, ҳаётини сермазмун ўтказган ҳисобланади. 1963 йили Сурхондарё вилоятида таваллуд топган Бобошер Эгамбердиев ҳам ота-онасидан муносиб тарбия олиб, бутун умр унга амал қилишга интилди.**



Тўққиз фарзандни тетапоя қилган Парда ака билан Тожиҳол опанинг ҳаёт кечинмалари уруш даврининг қаттол, очарчилик дамларига тўғри келган. Урушнинг бешафқат асоратлари уларнинг руҳини синдира олмади. Фарзандлари камоли учун сабр-матонат уларнинг шиорига айланди. Мамлакатимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси учун йигирмадан ортиқ давлат мукофотига сазовор бўлган отахон ният қилганидек, фарзандлари тарбиясининг ширин мевасидан баҳраманд бўлди. Таллимаржоннинг чанг кўчаларида вояга етган Бобошер ота касбига меҳр қўйди. 1980 йил Қизириқ туманида ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, Беларус ўлкасида ҳарбий хизматни ўтаб қайтди. 1985-1989 йилларда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида таълим олди.

Ота касбининг устаси Бобошер Эгамбердиев ўз фаолиятини 1989 йили Қизириқ туманидаги 268-қурилиш ташкилотида иш бошқарувчиликдан бошлайди. Кейинчалик хўжалик ҳисобидаги қурилиш ташкилотларида бош муҳандис, Қизириқ тумани ҳокимлигида уй-жой қурилиш бўлими бошлиғи, вилоят молия бошқармасида мутахассис, Чирчиқ шаҳрида лойиҳа институти муҳандиси сифатида самарали фаолият олиб борди. Ундаги интилувчанлик, касбига бўлган садоқат бу соҳада улкан марраларни эгаллашига ёрдам берди.

2007-2015 йиллар Тошкент ва Сурхондарё вилояти давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияларида бош мутахассис, бошлиқ ўринбосари вазифаларида хизмат қилди. Шунингдек, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясида бош мутахассис сифатида фаолият юритиб, кўплаб йирик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этди. Хусусан, Термиз шаҳридаги “Баркамол авлод” болалар ижодиёт маркази биноси, Султон Саодат кўчасида 15 та 3 қаватли уй-жойларни сифатли якунланишини назорат қилиш, Давлат дастурига мувофиқ, Термиз шаҳрининг Ибн Сино, Алишер Навоий, Истиқлол кўчаларида 31 та кўп қаватли уй-жой қурилиши ишлари, шунингдек, 2017 йили Давлат дастурига киритилган яна 25 та 5 қаватли уй-жой қурилишининг сифатли ва замонавий талабларга жавоб беришини таъминлашда қаҳрамонимизнинг ўзига хос ҳиссаси бор.

2017 йилдан Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари сифатида фаолият юритган бўлса, 2020 йилдан ҳозиргача “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” институти Муаллифлик назорати бошқармасида муҳандис вазифасида ишлаб келяпти. Ўз соҳасида ҳалол ва виждонан ишлаб келган қаҳрамонимиз ҳеч қачон касбига хиёнат қилмади. Ҳамиша тўғрисўз ва фидойи бўлишга интилди.

– Ҳаётим мазмунли ўтди деб ҳисоблайман, – деди Бобошер Эгамбердиев. – 2011-2012 йилларда Тошкент шаҳрининг Навоий кўчасида қад ростлаган замонавий 7 қаватли уй-жойлар қурилишини сифатли ва ўз вақтида топширилишида ҳам бош назоратчи сифатида фаолият олиб бориб, давлатимиз ишончини оқлашга ҳаракат қилдим. Касбим туфайли юртимизга, халқимизга нафим тегса, мен ҳам ҳаётимдан мамнун бўламан.

Қаҳрамонимиз фарзандларига намуна бўлишга, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатишга жиддий эътибор қаратади. Буни ўзининг Ватан олдидаги эзгу бурчи, деб билади.

– Агар фарзандларимизга ўзимизнинг эзгу амалларимиз билан ўрнак бўла олсак, жамиятимиз равнақ топади, – дея суҳбатда давом этди қаҳрамонимиз. – Шу сабабли, қўлимдан келганча фарзандларимга ҳалол ва тўғри, салоҳиятли бўлиш йўлларини ўргатаман. Уйимизнинг олдида сув чиқмайдиган жой бўларди, унга сув чиқариб боғ қилишга эришдим. Халқимизда, яхшидан боғ қолади, деган гап бор. Бизнинг яхшилигимиздан уларнинг авлодлари ҳам роҳат кўриши керак. Ана шунда эзгуликнинг нури сўнмайди. 35 йиллик меҳнат фаолиятим давомида кўп қурилиш ва бунёдкорлик ишларида иштирок этдим ва битта муҳим хулосага келдим: Инсон тўхтамаслиги керак, кучи ва қуввати, заковати борида ўз халқига, оиласига, Ватанига хизмат қилишга борини бериши лозим. Зеро, бизнинг номимиз қилган эзгу ҳаракатларимиз, яхшиликларимиз, амалга оширган бунёдкорлик ишларимиз билан ёдда қолади.

Дарҳақиқат, ўз соҳасини йиллаб ардоқлаган, касбини севадиган фидойи ходимларни асло назаримиздан четда қолдирмаслигимиз керак. Ҳар бир эзгуликнинг баҳоси бўлганидек, умрини яхшиликка бағишлаган кишилар ҳаётига чизги бериб ўтиш бизнинг, қалам аҳлининг вазифасидир. Фурсатдан фойдаланиб, барча қурилиш соҳаси ходимларини касб байрами билан табриклаймиз. Хусусан, Бобошер акага ҳам масъулиятли ва шарафли касбида мустаҳкам соғлиқ тилаб, келгусидаги ишларига омад ёр бўлишини тилаймиз!




**Xorazm viloyatining Xiva shahrida barpo etilishi mo‘ljallangan zamonaviy turistik majmuaning “Xalq lizing” MChJ buyurtmachiligi ostida quriladigan “Savdo majmualari” (13-lot) obyekti uchun loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlash maqsadida professional loyiha tashkilotlari o‘rtasida**

## TANLOV E’LON QILINADI!

Tanlovda ishtirok etish uchun professional loyihachi tashkilotlar taklif etilmoqda.

Loyiha-smeta hujjatlarini ishlab chiqish qurilish-montaj ishlari bilan bir vaqtda olib borilishi sababli tanlovda ishtirok etish istagida bo‘lgan ishtirokchilarning eng yuqori reyting ko‘rsatkichiga ega bo‘lgani va ob’yektning joriy narxlardagi qiymatiga nisbatan eng past foiz taklif etgani tanlov g‘olibi deb e’lon qilinadi.

Takliflarni baholashda ishtirokchining reyting ko‘rsatkichi ulushi 70 foizni va narx (foizda beriladi) taklifi ulushi 30 foizni tashkil etadi.

Obyekt “Xalq lizing” MChJning o‘z mablag‘lari hisobidan moliyalashtiriladi.

Tanlov ishtirokchilarning takliflari Toshkent shahri, Chilonzor tumani, 1-mavze, Labihovuz ko‘chasi, 1-“B” uyda ish kunlari soat 9.00 dan 18.00 gacha qabul qilinadi, takliflarni taqdim etishning oxirgi muddati 2024-yil 16-avgust kuni soat 16.00 gacha qilib belgilanadi.

Tanlovda qatnashish uchun talabgorlar tanlov hujjatlarini “Xalq lizing” MChJ bilan bog‘langan holda olishlari mumkin.

**Mas’ul shaxs telefon raqami:** 90-818-10-88.

---

**“Xalq lizing” MChJ buyurtmachiligi ostida Xorazm viloyatining Xiva shahrida barpo etiladigan zamonaviy turistik majmuaning “Savdo majmualari” (13-lot) ob’yektini qurish maqsadida pudrat-qurilish tashkilotini tanlash uchun**

## TANLOV E’LON QILINADI!

Qurilish-montaj ishlari loyiha-smeta hujjatlarini ishlab chiqish bilan bir vaqtda olib borilishi sababli tanlovda ishtirok etish istagida bo‘lgan ishtirokchilardan pudrat tashkilotlarining eng yuqori reyting ko‘rsatkichiga ega bo‘lgan tashkilot tanlov g‘olibi deb e’lon qilinadi.

Obyekt “Xalq lizing” MChJning o‘z mablag‘lari hisobidan moliyalashtiriladi.

Tanlov ishtirokchilarning takliflari Toshkent shahri, Chilonzor tumani, 1-mavze, Labihovuz ko‘chasi, 1-“B” uyda ish kunlari soat 9.00 dan 18.00 gacha qabul qilinadi, takliflarni taqdim etishning oxirgi muddati 2024-yil 16-avgust kuni soat 16.00 gacha qilib belgilanadi.

Tanlovda qatnashish uchun talabgorlar tanlov hujjatlarini “Xalq lizing” MChJ bilan bog‘langan holda olishlari mumkin.

**Mas’ul shaxs telefon raqami:** 90-818-10-88.

# Қурилиш-бунёдкорлик ишлари авжида

**Учқун ТОЖИЕВ,** журналист.

**Баркамол авлод таълим-тарбияси учун муносиб шарт-шароит ҳозирлаш ҳар доим долзарб вазифа бўлган. Шу маънода, айни кунда чўлқуварлар тумани Қоровулбозорда 8-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида инвестиция Дастури асосида янги ўқув биноси қурилиши бошланган.**



240 ўқувчи ўрнига мўлжалланган иншоот лойиҳа қиймати 3 миллиард 120 миллион сўмга тенг бўлиб, бунда қурилиш ишлари пудратчи “Чилонзор қурилиш мега строй” МЧЖ бинокорлари томонидан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Бухоро вилоятининг олис чўлқуварлар туманида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида туман марказий поликлиникасининг янги биносини барпо этиш ишлари ҳам авжида. Лойиҳа қиймати 7 миллиард 167 миллион сўмга молиялаштирилган бўлиб, мазкур поликлиниканинг қурилиш ишлари масъулияти чекланган жамияти шаклидаги “Меъмор комплекс” бинокорлари томонидан амалга оширилмоқда. Йил якунига қадар бу ерда уч қаватли, замонавий андозадаги поликлиника биноси фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Шу кунларда яна бир муҳим бунёдкорлик объекти – “Навбаҳор” маҳалла фуқаролар йиғинида сув тарқатиш иншооти мукаммал таъмирланмоқда. Мазкур объект таъмири Бухоро вилояти сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурининг I босқичи доирасида Қоровулбозор туманида сув таъминоти тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳасига биноан амалга ошириляпти. Осиё инфратузилма инвестициялари банки иштирокида реконструкция қилинаётган гидроиншоот лойиҳасининг умумий қиймати 8,6 миллион АҚШ долларига молиялаштирилган. Аҳамиятли жиҳати, бу саъй-ҳаракат туфайли келгуси йилдан туманда истиқомат қилаётган 20,5 минг истеъмолчининг тоза ичимлик сувига бўлган талаб ва эҳтиёжи янада яхшиланади.

Бундан ташқари, чекка туманда жойлашган ҳарбий қисмда амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан бирга, “Ғиждувон” эркин иқтисодий зонасининг Қоровулбозор тумани ҳудудида 110 КВ кучланишли электр энергияси тармоғи ҳамда 110/10 КВ подстанцияси қурилиши ҳам жадал суръатда давом эттирилмоқда. Подстанция қурилиши буюртмачиси “Бухоро ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бўлиб, лойиҳанинг умумий қиймати 34 миллиард 80 миллион сўмни ташкил этади. Бунёдкорлик ишлари шу йилнинг май ойида бошланган бўлиб, келгуси йилнинг апрель ойида мазкур электр подстанциясини тўла-тўкис жиҳозлаб, ишга тушириш мақсад қилинган. Ушбу иншоот қурилиши пудратчи “Obidjon Akmalxon hamkor” МЧЖ томонидан олиб борилмоқда.

Яқинда вилоятда хизмат сафарида бўлган бош прокурор ўринбосари Салом Самадов бошчилигидаги ишчи гуруҳи Қоровулбозор туманидаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари қаторида юқоридаги иншоотларда ҳам жадал давом этаётган жараёнлар билан танишдилар. Бош прокурор ўринбосари амалга оширилаётган ишларни масъуллар иштирокида танқидий муҳокама қилиб, жараённи жадаллаштириш, қурилиш ишларини сифатли бажариш юзасидан масъулларга қатъий топшириқ ва кўрсатмалар берди.

# Халққа қувонч улашиб

**Беҳзод АБДУЛЛАЕВ,** “Махсус сув газ монтаж қурилиш” МЧЖ раҳбари.

**Ҳар бир инсон ўз амали билан юрт равнақига ҳисса қўшсам, дейди. Бу нафақат фуқаролик, балки инсоний бурчимиз ҳамдир. Ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида қурилиш-бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқдамиз. Шу йиллар давомида юзлаб иморатларни бунёд этиб, минглаб юртдошларимизга қувонч улашдик. Мақсадимиз ҳам шу аслида – халқимизнинг неча йиллик орзулари ушалишига оз бўлсада ҳисса қўша олган бўлсак, қурувчилик касбини бекорга танламаган бўламиз.**

Бизнинг “Махсус сув газ монтаж қурилиш” МЧЖ 2013 йилдан буён қурилиш, сув ва газ соҳасида фаолият юритиб келмоқда. Шу йиллар давомида республикамиздаги кўпгина қурилиш ишларида фаол қатнашиб, турар жой бинолари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини қуриб фойдаланишга топширдик. Биргина ўтган йилнинг ўзида Бухоро вилоятининг Когон туманидаги темир йўл касалхонасини капитал таъмирлаш, Тошкент шаҳрида 5 қаватли кўп хонадонли уй-жой қуриш, Гурлан туманида темир йўл вокзали қуриш, Хонқа тумани кўп тармоқли марказий касалхонаси ва туғруқхонаси биносининг канализация ишларини амалга оширганмиз.

Жорий йилда ҳам жамоамиз билан биргаликда ўтган йилгидан-да салмоқли ишларни бажаришга бел боғлаганмиз. Ҳозирда Тошкент шаҳрида 5 қаватли кўп хонадонли уй-жой биноси, Қорақалпоғистоннинг Қипчоқ аҳоли пунктида янги вокзал биноси, Урганч шаҳрида 16 қаватли турар жой ҳамда шошилинч тез тиббий ёрдам биносини тиклаш, Урганч шаҳри марказида 16 ва 31 мактабларни қуриш, Гурлан туманида тоза ичимлик суви учун бинолар қуриш ишларини олиб боряпмиз. Бизга ишониб топширилган вазифаларни ўз вақтида сифатли амалга оширишда жамоамиздаги ин-



женер Омонбой Маткаримов, иш юритувчилар Мансур Ниязов ва Музаффар Ниязов, сифат назоратчиси Руслан Удаевларнинг хизматлари катта бўлаётганини алоҳида таъкидласак, арзийди.

Фурсатдан фойдаланиб, Қурилиш соҳаси ходимлари куни билан жамоамиз аъзолари ва барча ҳамкасбларимизни чин юракдан табриклаб, амалга ошираётган бунёдкорлик ишларига омад тилайман.




# "Oddiy inson ekanligimdan uyalmayman!"

*– dedi qoraqalpoqlik usta Aydos Allambergenov*

**Ilhomjon SOBIROV,** Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti talabasi.

**"Oddiy ishchiman, deb o‘ksinmayman, chunki mehnatim halol, farzandlarimni peshona terim bilan, belim og‘rib, qo‘lim qavarib boqyapman. Hayotimdan mamnunman, o‘zimni boy insondek his qilaman. Baxtli insonga bundan ortig‘i kerak ham emas, aslida. Ammo shunday kunlar bo‘ladiki, barchasiga qo‘l siltab ketgim keladi. Ammo kasbimga bo‘lgan mehrim bunga yo‘l qo‘ymaydi-da...".**

Bu fikrlar qahramonimiz Aydos Allambergenovga tegishli.

Aydos og‘a Qoraqalpog‘iston Respublikasining Nukus shahrida istiqomat qiladi. Qariyb 15 yildan buyon qurilishda ishlab, shu sohada ulkan tajriba to‘pladi, o‘nlab shogirdlarga ustozlik ham qildi. Yetti yoshidan boshlab otasining charm etigini kiyib, loy tepgan, ba’zan mana shu loyga qorishib mehnat qilgan Aydos og‘ani ulg‘ayib, tajribali usta bo‘lishini ota-onasi taxmin qilishgandir balki.

Dastavval, ota izidan borib bu hunarni mukammal egallagan 18 yoshli Aydos do‘stlariga qiziqib Rossiyaga otlanadi. Ikki yillik musofirlik davri qoraqalpoq o‘g‘loni uchun oson o‘tmadi. Ammo har ishda bir hikmat bor deganlaridek, Rossiyada bo‘lgan mehnat safari davomida u Yevropa arxitekturasi chizmalari asosida barpo etilayotgan binolar qurilishida ishtirok etib, sohaning sir-asrorlarini o‘rgandi. Ona yurtiga qaytganidan so‘ng ana shu tajribalari asosida imoratlar qurish taklifi bilan ko‘pchilikka yuzlandi. Bir nechta zamonaviy dizaynda qurgan inshootlari nozik did egalariga ma’qul tushib, qahramonimizga murojaatlar yo‘llashdi.

– Yigitlik davrimizda qattiq ishlardik, – dedi biz bilan suhbatda Aydos og‘a. – O‘zim singari bir nechta tengdoshlarim bor edi. Ular bilan qancha ishlasak ham charchoq bilmas ekanmiz. U davrlarda odamlar samimiy, ko‘nglida kiri yo‘q edi. Hozir esa biroz o‘zgargandek tuyuladi menga. Chunki biz quruvchi ustalar xalq xizmatini qilamiz. Insonlar yaxshi niyatda bizga ishonib, uy qurdirishadi. Qo‘limizdan kelganicha bajaramiz, ijod qilamiz. Har bir g‘ishtga mehr berib, har bir qarichi uchun ter to‘kamiz. Bu uylarni birov uchun qurayotgan bo‘lsak ham, biz uchun qadrli bo‘lib qoladi. Shu uyning tomi ostida bir oila orom olsa, to‘y-hashamlariga xizmat qilsa, ko‘rib boshimiz ko‘kka yetadi. Ammo... Biz uy qurib berayotgan ba’zi insonlar ustalarga nisbatan past nazar bilan qarashadi. Bunday paytlarda butun hayoting davomida ishlab, rahmat eshitganing, kasbingga bo‘lgan muhabbating bir necha daqiqaga yo‘qolgandek bo‘ladi, go‘yo.

Aydos og‘a bu so‘zlarni aytar ekan, alamdan qizargan ko‘zlarini qo‘llari bilan yashirdi.

Aydos og‘aning quruvchilik sohasidagi tajribasi uning qurgan imoratlarida ko‘rinib turadi. Yevropa va sharqona uyg‘unlik, ijoddan yaralgan yangicha dizaynlar, o‘z ishiga mas’uliyat va eng muhimi, mustahkamlik. Uning aytishicha, Qoraqalpog‘iston sharoiti boshqa hududlarga qaraganda pastroq, sho‘rlanish yuqori bo‘lganligi uchun qurilish materiallari va jarayonlariga o‘ta e’tiborli bo‘lish lozim. Uy ko‘tarishda foydalaniladigan tosh, g‘isht, qum, tuproq va shu kabi qurilish materiallaridagi sho‘rlar, qurt bosgan va chirigan yog‘ochlar uyning mustahkamligini yo‘qotuvchi asosiy elementlar hisoblanadi. Shu sababli, bu masalalarga e’tiborli bo‘lish shart.

– Umr bo‘yi oddiy qora ishchi bo‘lib yashadim, eski, yirtiq-yamoq kiyim kiyib oila boqdim, ro‘zg‘or tebratdim, – dedi suhbatimiz so‘nggida Aydos Allambergenov. – Ammo hech qachon noshukrlik qilganim yo‘q, hamisha qo‘lim mehnatda, qalbim esa Allohda bo‘ldi. Bugun farzandlarimning biri o‘qituvchi, boshqasi shifokor bo‘lish niyatida. Tassavvur qilyapsizmi? Maqsadim ham shu – oddiy qora ishchining farzandlari universitetlarda dars bersa yoki insonlarning dardiga darmon bo‘lsa, deyman.

# "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога "LOMBARD AVANGARD-KREDIT" МЧЖнинг 2024 йил 8 августдаги 58-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2023 йил 27 март, 10 август, 2024 йил 19, 20 февраль ва 27 июндаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 60-уй, 66-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 4028 | Цепь, о.в. 2,61 гр., ч.в. 2,61 гр., 585 пр. | 1 307 706,35 |
| 2. | 6368 | Часы "Полет" с кож. рем., о.в. 37,59 гр., ч.в. 11,00 гр., 585 пр. | 4 643 964,90 |
| 3. | 6795 | Кольцо, о.в. 2,64 гр. ч.в. 2,00 гр., 375 пр.; кольцо, о.в. 3,66 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 4,98 гр., ч.в. 4,00 гр., 375 пр. | 2 978 206,35 |
| 4. | 6903 | Браслет, о.в. 2,41 гр., ч.в. 2,41 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,57 гр., ч.в. 1,00 гр., 585 пр. | 1 613 964,90 |
| 5. | 102 | Браслет, о.в. 2,55 гр., ч.в. 2,55 гр., 750 пр. | 1 522 806,35 |
| 6. | 202 | Кольцо, о.в. 2,27 гр., ч.в. 2,27 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,63 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 1,02 гр., ч.в. 0,70 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,96 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 7,15 гр., ч.в. 6,00 гр., 585 пр. | 7 522 206,35 |
| 7. | 295 | Серьги, о.в. 2,45 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр. | 1 159 524,60 |
| 8. | 429 | Серьги, о.в. 6,48 гр., ч.в. 6,48 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 8,10 гр., ч.в. 8,10 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 1,84 гр., ч.в. 1,84 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,32 гр. ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; серьги о.в. 7,19 гр., ч.в. 4,50 гр., 585 пр. | 9 932 076,45 |
| 9. | 811 | Кольцо, о.в. 2,57 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр. | 704 706,35 |
| 10. | 1376 | Кольцо, о.в. 2,49 гр., ч.в. 2,49 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 5,26 гр., ч.в. 5,26 гр., 585 пр. | 4 189 206,35 |
| 11. | 1485 | Кольцо, о.в. 8,43 гр., ч.в. 8,00 гр., 585 пр. | 4 111 638,35 |
| 12. | 1679 | Кольцо, о.в. 6,43 гр., ч.в. 4,60 гр., 750 пр. | 3 128 706,35 |
| 13. | 1873 | Кольцо, о.в. 2,46 гр., ч.в. 2,46 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3.91 гр., ч.в. 3.91 гр., 585 пр. | 3 431 706,35 |
| 14. | 1883 | Серьги, о.в. 3,47 гр., ч.в. 3,47 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,82 гр., ч.в. 3,54 гр., 585 пр. | 3 886 206,35 |
| 15. | 2810 | Цепь, о.в. 5,09 гр., ч.в. 4,30 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 4,07 гр., ч.в. 3,80 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,73 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,57 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,11 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 7 444 162,74 |
| 16. | 2838 | Кольцо, о.в. 1,25 гр., ч.в. 1,10 гр., 585 пр. | 732 712,74 |
| 17. | 2876 | Цепь, о.в. 6,09 гр., ч.в. 6,09 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,58 гр., ч.в. 2,40 гр., 585 пр. | 4 262 662,74 |
| 18. | 2900 | Браслет, о.в. 12,03 гр., ч.в. 12,03 гр., 585 пр. | 6 689 995,74 |
| 19. | 2912 | Кольцо, о.в. 3,18 гр., ч.в. 2,60 гр., 585 пр. | 1 611 412,74 |
| 20. | 2998 | Серьги, о.в. 3,73 гр., ч.в. 3,40 гр., 585 пр. | 1 933 431,04 |
| 21. | 3003 | Браслет, о.в. 3,85 гр., ч.в. 3,85 гр., 585 пр. | 2 338 612,74 |
| 22. | 3030 | Кольцо, о.в. 3,34 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 3,65 гр., ч.в. 3,20 гр., 585 пр. | 3 732 412,74 |
| 23. | 3196 | Серьга 1 шт., о.в. 2,11 гр., ч.в. 2,11 гр., 585 пр. | 1 308 412,74 |
| 24. | 3214 | Цепь, о.в. 3,38 гр., ч.в. 3,38 гр., 585 пр. | 2 065 912,74 |
| 25. | 3222 | Браслет, о.в. 8,19 гр., ч.в. 8,19 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,65 гр., ч.в. 3,65 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 6,82 гр., ч.в. 6,82 гр., 585 пр. | 11 007 706,35 |
| 26. | 3280 | Часы "Чайка", о.в. 16,53 гр., ч.в. 12,00 гр., 585 пр.; колье, о.в. 17,36 гр., ч.в. 14,50 гр., 585/500 пр.; цепь, о.в. 4,88 гр., ч.в. 4,88 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 6,79 гр. ч.в. 6,00 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 6,11 гр., ч.в. 6,11 гр., 585 пр. | 25 096 206,35 |
| 27. | 3296 | Цепь, о.в. 14,89 гр., ч.в. 14,89 гр., 585 пр. | 7 912 520,95 |
| 28. | 3405 | Кольцо, о.в. 2,35 гр., ч.в. 2,35 гр., 585 пр. | 1 463 206,35 |
| 29. | 3436 | Кольцо, о.в. 2,54 гр., ч.в. 2,40 гр., 585 пр. | 1 493 506,35 |
| 30. | 3504 | Серьги, о.в. 2,43 гр., ч.в. 1,90 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,12 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,73 гр., ч.в. 2,60 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,41 гр., ч.в. 0,80 гр., 375 пр. | 3 887 206,35 |
| 31. | 3554 | Серьги, о.в. 3,09 гр., ч.в. 3,09 гр. 585 пр.; кольцо, о.в. 1,50 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр. | 2 750 956,35 |
| 32. | 3571 | Серьги, о.в. 8,25 гр., ч.в. 7,60 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,80 гр., ч.в. 4,40 гр., 585 пр. | 6 462 706,35 |
| 33. | 3609 | Серьги, о.в. 3,32 гр., ч.в. 3,32 гр., 585 пр. | 2 069 206,35 |
| 34. | 3628 | Кольцо, о.в. 1,62 гр., ч.в. 1,40 гр., 585 пр. | 932 956,35 |
| 35. | 3664 | Серьги, о.в. 1,89 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 3,86 гр., ч.в. 3,86 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 0,86 гр., ч.в. 0,50 гр., 585 пр. | 3 508 456,35 |
| 36. | 3688 | Кольцо, о.в. 7,36 гр., ч.в. 7,36 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,33 гр., ч.в. 4,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 5,92 гр., ч.в. 5,50 гр., 585 пр. | 9 356 356,35 |
| 37. | 3704 | Кольцо, о.в. 3,01 гр., ч.в. 2,00 гр., 375/925 пр.; кольцо, о.в. 1,48 гр., ч.в. 1,00 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,54 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,37 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,70 гр., ч.в. 2,70 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,24 гр., ч.в. 1,80 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 3,74 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 3,78 гр., ч.в. 3,78 гр., 585 пр. | 10 174 456,35 |
| 38. | 3712 | Кольцо, о.в. 2,19 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр. | 857 206,35 |
| 39. | 3718 | Кольцо, о.в. 4,20 гр., ч.в. 4,20 гр., 585 пр. | 2 523 706,35 |
| 40. | 3771 | Кольцо, о.в. 5,08 гр., ч.в. 5,08 гр., 585 пр. | 3 053 956,35 |
| 41. | 3818 | Кольцо, о.в. 2,54 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр. | 1 387 456,35 |
| 42. | 3839 | Серьги, о.в. 6,38 гр., ч.в. 5,50 гр., 585 пр. | 3 281 206,35 |
| 43. | 3872 | Цепь, о.в. 5,00 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр. | 3 008 506,35 |
| 44. | 3873 | Цепь, о.в. 4,30 гр., ч.в. 4,30 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,31 гр., ч.в. 3,31 гр., 585 пр. | 4 493 206,35 |
| 45. | 3874 | Серьги, о.в. 6,19 гр., ч.в. 6,19 гр., 750 пр.; кольцо, о.в. 3,21 гр., ч.в. 3,21 гр., 750 пр. | 7 144 456,35 |
| 46. | 3910 | Кольцо, о.в. 3,13 гр., ч.в. 3,13 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 5,32 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,80 гр., ч.в. 3,60 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,74 гр., ч.в. 1,70 гр., 500 пр.; серьги, о.в. 3,33 гр., ч.в. 2,00 гр., 500/925 пр.; серьги, о.в. 7,28 гр., ч.в. 6,00 гр., 585 пр. | 11 462 206,35 |
| 47. | 3948 | Кольцо, о.в. 2,10 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 1 266 256,35 |
| 48. | 3988 | Кольцо, о.в. 2,52 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 0,98 гр., ч.в. 0,98 гр., 585 пр. | 1 641 996,55 |
| 49. | 4020 | Серьги, о.в. 3,08 гр., ч.в. 2,90 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 2,11 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 2 978 206,35 |
| 50. | 4148 | Кольцо, о.в. 1,48 гр., ч.в. 0,60 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 4,80 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр. | 1 917 706,35 |
| 51. | 5013 | Серьги, о.в. 5,78 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 4,68 гр. ч.в. 4,20 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,39 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр. | 6 917 206,35 |
| 52. | 5087 | Цепь, о.в. 4,47 гр., ч.в. 4,47 гр., 585 пр. | 2 750 956,35 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **223 052 037,65** |

Аукцион савдолар **2023 йил 10 сентябрь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 6 сентябрь куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2024 йил 10 сентябрь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 24 сентябрь ва 8 октябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш савдо ўтишидан бир иш кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
"Ўзсаноатқурилишматериаллари"
уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" ДУК,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-841.
1573 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 8 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** –
А. Эгамбердиев.
**Навбатчи** –
А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни –
Топширилди – 01.30.

1 2 3 4 5 6

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№58-59 (811-812) 2024 йил 10 август

# «SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI» ДМ

## ва унинг ҳудудий бошқармалари жамоалари

Мамлакатимизнинг қурилиш соҳасини равнақ топтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча бунёдкор юртдошларимизни бугунги касб байрами –

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан табриклаймиз!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Машаққатли касбингиз туфайли доимо эл ардоғида юриш насиб этсин!

